Бозор иўтисоди^ести шароитида Республикамизда фаолият курсата^етган хар бир корхона, фирма ва ташкилотлар бозорни урганган холда "кандай махсулот ишлаб чиўариш керак, ким учун ишлаб чиўариш керак ва ўанча микдорда ишлаб чиўариш зарур" тамойилига амал килган холда иш юритишлиги лозим. Бунинг учун улар бозорни чуўур урганишлари, маркетинг сохасида юўори малакали мутахассисларга эга булишлари талаб килинади. Бозор ту^ерисидида ўанчалик куп маълумотга эга булишлик, ракобатчилар, истеъмолчиларнинг харид кобилияти, ухшаш товарлар хажмининг узгариб туриши хамда шу каби бошка муаммоларни батафсил ахборотлар туплаш ва уларни атрофлича тахлил этиб туриш муваффақиятлар гарови, фойда куриб ишлашнинг мухим шартларидан саналади.

Корхона бозор механизми ва конюктурасини батафсил хамда тахлил килган холда уз имкониятларини йулга куйишнинг иктисодий, ижтимоий, хукукий шартларини тузиб чикади. Бу эса якин ва узок даврийликда фаолият юритишнинг йулналишларини белгилаш хамда унинг режасини тузиб чикишни характерлайди. Режали асосда ишлаб чикаришни бошкариш хам бевосита бозор регулятори элементлари таъсирида йулга куйилади. Тахлилда асосий эътибор маркетинг тадкикотларига каратилади. Бозордаги ахвол ва унинг узгарувчанлиги, талаб ва таклиф даражалари, бозор сохиблари ва уларнинг мавкеи, фаолиятни йулга куйишнинг имкониятлари кенг камровда урганилади.

Бозор талабини тахлил этишда бозорнинг алохида олинган товарлар билан туйинганлик даражаси, унинг якин ва узок ораликда узгарувчанлик эхтимоллари, товарлар нархининг узгарувчанлиги, энг юкори фойдалилиги, мувозанатлашган курсаткичлар ва уларнинг узгаришларига бахо берилади.

Бозор шароитида истеъмол табиий холда амалга ошмай, айрибошлаш ва унинг пул-товар муомаласи туфайли ру^ебга чиўади. Бунинг учун олди-сотди, харидор-сотувчи по^еоналаридан утиб, бир ўатор шаклларни бошдан

кечирмоёи зарур, яъни, эхтиёж-талаб- истеъмол. Демак, бозорни талаб ва таклиф ўонуниятлари асосида тартибга солинади.

Талаб деб, - бу энг аввало бирон-бир неъматлар ёки хизматларга булган эхтиёжларни бозорда намоён булиши ва уни пул билан таъминлашидир.

Таклиф эса, - бу муайян пайтда бозорда булган ёки унга етказиб берилиши мумкин булган товарлар массаси сифатида белгиланади.

"Экономикс" муаллифлари К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюларнинг таъкидлашича, истеъмол танлови бозор иўтисодига асосланган эркин иўтисодий тараўўиётнинг кенг ўулоч ёзганидир. Чунки истеъмолчилар уз пул даромадлари миўёсида товарлар ва товарлашган хизматларни истаган тарзда сотиб олишлари ва шулар билан уз истеъмолларини ихтиёрий ўондириш имконига эга булишлари мумкин. Иўтисодиётда нима ишлаб чиўариш кераклигини истеъмолчи белгилайди. Бундай хусусият бозорда талабга хал ўилувчи куч беради.

Талаб, аввало, ресурсларга ва истеъмол товарлари, товарлашган хизматларга булган талаб сифатида юзага келадики, биринчиси ишлаб чиўариш истеъмолини, иккинчиси эса шахсий истеъмолни, ўондиришга ўаратилгандир.

Шундай экан хар бир корхона бозордаги талаб ва таклифни урганган холда унга туёри бахо беришлари керак. Бунинг учун бозорларда текширув ишларини ёки булмасам айрим танланган махсулотлар орасида анкета жавобларини тарўатиш орўали истеъмолчи талабини урганиш лозимдир.

Бозорни урганишда молиявий ва бошкарув тахлили фани ўуйидаги вазифаларни бажаради:

- Ўандай махсулот ишлаб чиўариш лозимлигини белгилайди;
- Ўанча миўдорда ишлаб чиўариш кераклигини курсатади;
- Корхонанинг келажакда яратиш керак булган махсулоти туёрисида маълумот беради;
- Фойда олиш ва уни хажмини ошириш имкониятларини курсатади ва хакозолар.

Ѓукуматимиз томонидан ўабул ўилинган ва амалда ўулланилаётган ўонунларимиз Республикамизда фаолият курсатаётган турли мулк шаклидаги корхоналарни тулиў эркин холда иш юритишни таъминламоўда. Бу эса уларнинг махсулот ишлаб чиўариш ва сотиш йуналишларини узлари белгилаб олишларига имконият яратади. Демак, эркин бозор иўтисодиётида корхоналарнинг катта даромад олишлари уз харакатларига бо`лик булиб ўолмокда. Айникса, харидоргир махсулотлар ишлаб чиўариб, белгиланган муддатларда сотиб, пул тушумлари барча харажатларни коплаб мумайгина фойда куриш бош максад булиб колмо`и лозим.

Ушбу ижобий тарафларни эътиборга олиб корхоналарнинг бозордаги талаб ва таклифни урганиб ишлаб чиўаришни йулга ўуйиши мухим ахамиятга эгадир.

Маркетинг концепциясига кура хар бир фаолият юритувчи корхона мувафаўўиятга эришиш учун энг аввало истеъмолчиларнинг тилаklarини назарда тутиши керак. Бу эса уларга мос тушадиган товарлар ишлаб чиўаришни таўозо этиб, ўуйидаги ўоидаларга риоя ўулишни таўозо этади:

1. Харидорларни тушуниш ва уларни ўзиўтирган доирани аниўлаш;
2. Товар ва хизматларнинг мулкчилигини таъминлаш;
3. Товарлар хаўида керакли маълумотларни етказиб бериш.

Юўорида келтирилган ўоидалар маркетингнинг турт акциомасига асосланади:

- "Ўзиўтириш муваффаўият гарови"
- "Раўобат танлашни раёбатлантиради"
- "Танлов ўийинчилик туёдиради"
- "Танловдаги раўобат товарни такомиллаштиради"

Талабни урганиш, уларни ижтимоий-иўтисодий ва демографик тавсифларига кура турларга ажратиш усулларини ишлаб чиўган. Шу билан бирга уларни психологик тарафларини эътиборга олиб тахлил ўилиш кенг ривожланмоўда.

4.2. Талаб ва таклифни ифодаловчи курсаткичлар тизими

Кишилик жамияти ривожланар экан, фан ва техника таракки^ати илдам кадамлар билан янгилана^атган шароитда инсониятнинг товар ва моддий кийматликларга булган эhti^ажи-талаби узлуксиз узгариб – ортиб боради.

Талаб узгариши (эластиклиги) мавжуд булиб, у


1. Бахолар узгариши ва холати;
2. Харидорлар миўдори ва уларнинг диди, истаги;
3. Истеъмолчиларнинг пул даромади;
4. Урнини алмаштириш мумкин булган ёки урнини босадиган товарлар хажми;
5. Инфляция эхтимоли кабиларга боёлиўдир.

Буларни айни ваўтда талабни белгиловчи омиллар дейиш мумкин. Буларнинг ичида энг мухимлари товарлар ва хизматлар бахоси хамда истеъмолчиларнинг пул даромадлари хисобланади.

Ўуйидаги берилган чизмадан куруниб турибдики, даромаднинг юўори булиши талабнинг ошувини ва бахо юўори булса талабнинг пасайиб боришини курамыз (5-чизма).

5-чизма.

Талаб харакатининг чизмаси.



0 Баҳо

Бозордаги таклиф этилган товарлар миқдорини бир неча омиллари мавжуд бўлиб, улар ўйидагилардан иборат:

1. Таклиф этиладиган товарлар баҳоси;
2. Ишлаб чиқариш технологияси;
3. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг миқдори;
4. Ишлаб чиқариш омиллари баҳоси;
5. Солиқ ва субсидиялар;
6. Баҳоларнинг ошиш эҳтимоли ва ҳакозолар.

Таклиф миқдорига кучли таъсир этувчи омил бўлиб - бу товарларнинг бозордаги сотиладиган баҳоси ҳисобланади. Бозор иқтисоди^{ати}ти шароитида ҳар бир ишлаб чиқарилган товарлар баҳоси шу маҳсулотни яратиш учун кетган узгарувчан ва узгармас харажатларнинг миқдори ҳамда кузланган фойда нормасига алоқадордир (6-чизма).

6-чизма



Таклиф бозор товар билан тула таъминлангандан кейин узгармасдан бир меъёрга бўлиши ҳам мумкин, бунда баҳо ошиб бориши билан бозорга чиқариладиган товар купайишининг зарурати бўлмай ўлади. Шунда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам узгармай, таклиф ҳам баҳога боғлиқ бўлмаган ҳолда барқарорлашиши мумкин.

Таклифнинг узгарувчанлиги, умуман талаб узгарувчанлигига ухшаб, товар баҳосининг узгариш, таклифнинг узгариш даражасини аниқлаш учун таклиф узгарувчанлиги кукорхоналасаткичи (K) ўулланилади. Унга кура,

$$K = \frac{\Delta P / P}{\Delta R / R} \quad (\%)$$

Агарда, $K > 1$ булса, таклиф узгарувчан;

$K = 1$ булса, ноузгарувчан;

$K < 1$ булса, мутлоқ ноузгарувчан бўлади.

Талаб ва таклифни ифодалашда асосий курсаткичлардан бўлиб, яна ўйидагилар ҳисобланади:

- **Жами талаб курсаткичи.** Гар бир истеъмолчининг уз, шахсий талаби бозордир. Жами бозор талаби Ёки умумий бозор талаби барча истеъмолчилар талаби йиЁиндисидан келиб чиёади. Шундай экан, жами талаб курсаткичи нархларнинг муаян даражасида барча истеъмолчилар сотиб оладиган товарлар миёдорининг ифодаси сифатида келади.
- **Жами таклиф курсаткичи.** Бу курсаткичнинг шаклланиши хам худди талабники сингари, жами таклиф йиЁиндисидан келиб чиёади. Бу эса жами сотилиши лозим булган тайЁр махсулот ифодаси сифатида келади.

4.3. Корхона махсулоти ва хизматига булган талаб даражасини аниёловчи омиллар тахлили

Корхона махсулоти ва хизматига булган талабни тахлил этишнинг асосий максади булиб – корхона махсулотига булган талаб даражасини аниклаш хамда буюртмалар портфелини ташкил этиш хисобланади. Буюртмалар портфели корхонанинг куввати ва ундан келажакдаги фойдаланиш даражаларига боёлик булади. Агар корхона махсулотига булган талаб кайсидир сабабларга кура пасаядиган булса, бунга мос равишда буюртмалар портфели хам кискаради. Натижада махсулот ишлаб чикариш суръати пасайиши, махсулот таннархининг ошиши хамда корхона зарар куриш эхтимоли кучая боради. Бу жараён узок давом этадиган булса корхонани банкротликкача олиб бориши мумкин.

Бозор мувозанатининг мухим элементи булган талаб ва таклифни, унинг узгаришига таёсир этувчи омилларни тахлил этиш асосида корхонанинг ишлаб чикариш суръати ва унинг тузилишига бахо берилади. Талаб – истеъмолчилар томонидан сотиб олиниши мумкин булган товарлар микдоридир. Уни туловга кобил эхтиёж дейиш хам мумкин. Талаб иктисодий категория булиб, унинг даражасига куплаб омиллар таёсир этади, яъни таклиф этилаётган товар бахоси, унинг сифати, харидорларнинг даромадлари, харид кобилияти, уриндош товарларнинг бахоси, истеъмолчиларнинг даромадлари ва товар бахосини узгариши, бозорнинг товарлар билан туйинганлиги хамда жамармалар буйича фоиз ставкаларининг узгариши каби омиллардир.

Омилларнинг талаб хажми узгаришига таёсирини куйидаги боёланишларда талаб функциясида ифодалаш ва аниклаш мумкин, яъни:

$$Q_D = f/P, P_A, P_B, , I, T, S/.$$

Бу ерда:

P, P_A, P_B – турдош товарлар бахоси;

I – аҳолининг пул даромадлари;

T – аҳолининг диди ва нимани афзал куриши;

S – мулкӣ жамъарма.

Агар товарлар баҳосидан бошка жами омиллар узгармас деб олинса, талаб функцияси фақат баҳо функциясига тенг булади. Яъни,

$Q_d = f/P$ га тенг булади.

Товар маҳсулоти ишлаб чиқарилишидан олдин унинг истеъмол хусусиятлари таҳлил ўилинади, ҳамда раўибларнинг маҳсулотлари нимага сотилаётганлиги сабаблари урганилади.

Урганиш амалиёти шу нарсани курсатдики, истеъмол хусусияти, яъни товарнинг уз вазифасини бажариши унинг ҳаётдаги урнини беўиёс ўилиб белгилайди.

Товарнинг хусусиятлари ҳам инсон эҳтиёжларига кура уч турга ажратилади:

1. Товарларнинг моддий эҳтиёжларини ўондира олиш хусусиятлари;
2. Уларнинг маънавий эҳтиёжларини ўондира билишлиги;
3. Товарларнинг ижтимоий эҳтиёжларни тулдирувчи эрганомик хусусиятлари.

Биринчи хусусият товарларнинг инсон ҳаётида муаян вазифани бажариб, унинг моддий эҳтиёжини ўондириш тушунилади.

Товарларнинг эстетик хусусияти эса шакли, тузилиши, пардоз ва хиди каби томонларини ҳисобга олса, эрганомика ўисмида инсоннинг унумли ишлаши учун ўулайлик яратиш имкониятлари урганилади.

Якка тартибдаги эҳтиёжлар ўуйидаги тартибда аниўланади:

- Оиладаги роли, мажбурият доирасига кура;
- Бошўа одамлар билан муносабатига ўараб;
- Гуруҳнинг шахсга ва шахсинг гуруҳга талаби билан;
- Катта жамоатчиликка ўушилиши билан ва ҳақозолар.


ҳозирда талаб ва таклифни урганган холда маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарнинг гуллаб - яшнаши учун хал ўилувчи омил ҳисобланади. Маҳсулот, иш ва хизматларга булган бозор талабининг максимал даражада кондирилиши бозор механизмининг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Корхона фаолияти энг аввало, бозор регуляторлари асосида тартибланади. Бунда иктисодий манфаатлар муштараклиги эътиборга олинади.

Эркин бозор муносабатлари шароитида бозордаги талаб оркали хужалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларига таъсир курсатилади. Бу эса маълум даражада иктисодий тармоқларида талаб ва таклиф мувозанатлашувига замин яратиб бериши мумкин.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидан шу нарса куринадики, бозорбоп маҳсулот етиштириш учун уртача 60 га яъин янги Ёояни урганиб чиқиш лозим ва у ўйидаги чизма кўринишида бўлади (7-чизма).

7-чизма

Маҳсулот ишлаб чиқариш шояларини урганиш тартиби



Бозордаги янги товар тайёрлаш ва ишлаб чиқаришда иккита талабни ҳисобга олиш лозим:

1. Янги эҳтиёжларни олдиндан айтиб бериш ва имкониятига ўараб шакллантириш;
2. Ёояни кутариб чиқиш ва товарларнинг илк нусхаларини сотиш уртасидаги муҳлатни иложи борича ўисўартириш.

Биз учун энг асосийси истиқболли Ёояни танлаш муҳим ҳисобланиб, бу ерда экспертлардан тузилган гуруҳлари томонидан миёга ҳужум усули орўали маълум товар учун талаб урганилади. Ушбу урганиш эса маълум товарлар партияси учун талабнинг даражасини ифодалаб беради.

Бозордаги таклиф даражаси эса товарнинг "бозор тести" орўали ҳар бир бозорда маҳсулотни оз-оздан сотиб кўриш орўали аниўланади.

Тахлил ишлари албатта ахборот манбаига таяниши лозим. Чунки улар корхоналарнинг бозорда:

- аниў устиворликка эришишга;
- молиявий хавфсизликни таъминлашга;
- ташўи мухитни назорат ўилишга;
- стратегияни бошўаришда;
- самарадорлигини яхшилашга ва хакозоларни амалга оширишга сабаб булади.

Ғар бир ишни амалга оширилиши унинг маълум бир ахборот манбааларига таянишни таўозо этади. Худди шу фикрдан келиб чиўўан холда бу мавзунинг тахлилида ҳам манбааларга таянамиз. Маълумотлар аввало иккиламчи йиЁиш ва бахолашдан бошланади. Улар ички ва ташўи ахборотларга булинади.

Ички маълумотлар ўуйидаги таркибдан ташикил топади:

1. Корхона режалари ва уларнинг бажарилиши;
2. Сотиш туЁрисида маълумотлар;
3. Фойда ва зарарлар;
4. Ғаридорлар билан хисоб- китоблар;
5. Товар захиралари;
6. Истеъмолчиларнинг аризаси;
7. Натижаларни солиштириш учун меЁрлар ва бошўалар.

Ташўи маълумотлар эса,

- Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ахборотлари;
- Статистик маълумотлар ва бошўаларга асосланган холда узатилади.

хозирги шароитда бозордаги талаб ва таклифни урганишда асосий эътибор бозордаги махсулотга булган талаб хажмининг ва структурасининг узгариши ҳамда унинг даромадлилик даражасини урганишга каратилмоЎи лозим. Куп йиллик тахлил натижалари шуни курсатадики, товарларнинг турт хил категорияси мавжуд булар экан:

- «юлдуз» категорияли товарлар – корхона фойдасининг асосини ташкил этадиган ҳамда иктисодий усишга олиб келадиган;
- «соЎин сизирлар» категорияли товарлар – оЎир иктисодий даврларнинг вужудга келишини олдини оладиган, инвестицияга мухтож булмаган, фойда келтира^атган, бошка категорияли махсулотлар ишлаб чиқаришни молиялаштиришга ишлатиладиган;
- «оЎир бола» категорияли товарлар – бу янги турдаги товарлар булиб, рекламага мухтож булган, бозорга олиб чиқилиши керак булган, хозирча фойда келтирма^атган, аммо, келажакда «юлдуз» товар булиши мумкин булган;
- «улик юк» ^аки «омадсиз» категорияли товарлар – бугунги кун талабига жавоб бермайдиган, иктисодий усишга имконият бермайдиган, фойда келтирмайдиган.

Тахлил жара^анида корхонада ишлаб чиқарила^атган махсулотларнинг кай бири кайси категорияга мос келишлигини урганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ички маълумотлар асосида ўйидагича тахлил ишларини амалга оширишимиз мумкин (8-жадвал). Бу жадвал натура улчов бирлигига асосланиб олиб борилган бўлиб, унинг тахлилини бошқа улчов birlikларда юритишимиз ҳам мумкин.

8-жадвал

“ABC” акционерлик жамиятини махсулот сотиш режасининг бажарилишини тахлили

Махсулот турлари	Улчов бирлиги	Бизнесрежа буйича	Руйхатда	Фарқи (+;-)	Бажарилиши, (%)
А	1	2	3	4	5
А	дона	500	560	+60	112
Б	кг.	20	14	-6	70
В	кг.	110	86	-24	78.2
Г	дона	89	112	+23	125.8
Д	т.	32	33	+1	103.1

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, биз тахлил ўйлаётган корхона 5 хил "А";"Б";"В";"Г";"Д" турдаги махсулотлар ишлаб чиқарар экан. Бу махсулотлар ичида "А" ва "Г" махсулотлар харидоргир бўлиб, уларнинг режага нисбатан "А" 12 фоизга "Г" эса 23 донага куп сотилган. Бу эса бозорда ушбу махсулот турларига талабнинг куплигидан далолат беради.

Махсулот таркибидан "Б" ва "В" махсулотларига талаб кам булган. Натижада бу махсулотлардан жами 30 килограм (-6+(-24)) махсулот сотилмай ўлиб кетган. Бунга махсулот сифати, баҳоси ёки уринбосар товарларнинг бозорда вужудга келиши таъсир этган.

Корхонанинг эндиги асосий вазифаси сифатнинг бузилишида келтирилган камчиликларни бартараф этиш ёки булмасам бошқа харидоргир махсулотни ишлаб чиқаришни йулга ўйишдан иборатдир. Корхона учун яна бир оптимал вариант бўлиб, "Б" ва "В" махсулотларни камайтириб, унга сарфланадиган маблаёларни бир ўисмини "А" ҳамда "Г" товарларини ишлаб чиқаришга йуналтириши керак.

4.4. Раўобат даражасини белгиловчи курсаткичлар ва уларни аниўловчи омиллар тахлили

Бозор иқтисоди^ати шароитида товарларнинг рақобатбардошлилиги аниклана^атганда, унинг бошка рақобатчи товарлардан юксак тарафларини мавжудлиги, умум эътироф этилган талабларга жавоб бериши ҳамда кетган харажатлар микдори билан баҳоланади. Махсулотнинг рақобатбардошлилигини

баҳолашда харидорлар эҳти^ажи ва бозор талабига асосланади. **Чунки товар харидор талабига жавоб бериши учун куйидаги параметрларга мос келиши керак:**

- техник параметрларга (товар белгиси, уни куллаш ва тавсия этиш марказлари)
- эргономик параметрларга (товарнинг инсон организмига мос келиши);
- эстетик параметрларга (товарнинг ташки куруниши);
- меъ^арий параметрларга (товарнинг амалдаги меъ^арларга ва стандартларга мос келиши);
- иктисодий параметрларга (товарнинг баҳо даражаси, унга курсатиладиган сервис хизмати, воситалар улчами, харидорларнинг айни вақдаги эҳти^ажларини кондира олиши).

Ҳар бир истемолчи уз ижтимоий эҳти^сжларидан келиб чи^уян холда товарларни сотиб оладилар. Бу эса уз навбатида ра^уобатни келтириб чи^уаради.

Харидорларнинг хатти - ҳаракатларидан шуни куриш мумкинки, улар товарларни та^уй^ослашда, унинг ишлатиш самарадорлиги (с), сотиб олиш харажатларига (х) нисбатан ю^ори булса уша махсулотни купро^у танлашади. У холда товарнинг ра^уобатбардошлиги (р) ^уйидаги,

$$P=C/X;$$


курунишни олади.

Товарнинг ра^уобатбардошлигини баҳолаш ^уйидаги бос^уичларда булади:


1. Уринбосар товарларни топиш ва уни тахлил ^уилиш;
2. Ухшаш махсулотларнинг солиштирилиши ор^уали асосий курсаткичларини белгилаш;
3. Уз махсулотимиздаги интеграл (умумий) ра^уоботбардошлик курсаткичларини ани^улаш.

8-чизма

Товар ра^уобатбардошлигини ани^улаш бос^уичлари



Баҳолаш учун зарур курсаткичлар.



Раўобат - лотинча суздан олинган булиб, маўсадга эришиш учун кураш, корхоналар уртасидаги соф курашни билдиради. Унинг асосий ўуроли булиб, талабни шакллантириш ва сотишни раёбатлантириш ҳисобланади.

Раўобат турига кура иккига булинади:

1. Соф раўобат;
2. Ёирром раўобат.

Соф раўобат бозор талабларига кура виждонан курашишни берса, Ёирром раўобат унинг аксини таъминлайди.

Жахон бозори тажрибасидан раўобат ўуйидаги шарт-шароитлари мавжуд:

- Кучлар тенг ва стратегиялар ухшаш булса, бозорда мувозанат узоў саўланмайди, улар орасида келишмовчилик сусаймайди;
- Сизнинг раўибингиз хамма нарсадан хабардор деб билинг;
- Раўибингизнинг Ёашини келтирувчи харакат ўилманг;
- Сизнинг харакатингиз имконингиз даражасида эканига раўибингизни ишонтиринг.

Бозорда корхонанинг тутган улушига ўараб раўобат курсаткичлари аниўланади:

- а) ИлЁор - 40 фоиз;
- б) ИлЁорга давогар - 30 фоиз;

в) Давомчилари - 20 фоиз;

г) Бозорда унча омади келмаган - 110 фоиз

Ушбу курсаткичларга асосланган холда ҳам уларнинг раёобат даражасини аниқлашимиз ва баҳо беришимиз мумкин.

хозирги замонавий шароитда бошқаришда иктисодий услубни биринчи уринга куйилиши хужалик хисобидаги корхона ва унинг цех, участкаларини асосий принципи булиб, бунда молиявий ва бошқарув тахлили муҳим аҳамиятга эгадир. Фақат молиявий ва бошқарув тахлили туфайли жамоа фаолиятининг иктисодий натижалари объектив баҳоланиб корхонани ҳар бир булими, ҳар бир ишчини умумий натижадаги улуши аниқланади. Молиявий ва бошқарув тахлилсиз хужалик механизмини туғрилаш ва уни такомиллаштиришни амалга ошириб бўлмайди. Молиявий ва бошқарув тахлили ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаб қолмай, балки моддий ресурслардан оқилона тежамкорлик билан фойдаланишни рағбатлантиради, шу билан бирга ишловчиларни тежамкорлик руҳида тарбиялайди.

Раёобатчиларнинг имкониятларини мунтазам урганиб туриш сотиш учун мулжалланган маҳсулотларни уз ваўтида харидорларга етказиш ва фирма счётига пул келиб тушиш режасини муваффақиятли бажаришнинг гаровидир. Фаўат раёобатчиларни бозорга ухшаш товарлар етказиб бериш имкониятини билибгина ўолмай, шунингдек, уларга нисбатан сифатли ва арзонроў товарлар таклиф ўилиш чораларини куриш юўори фойда олишнинг яна битта омилидир. Раёобатчиларни имкониятларини урганишда ўатор даврлар мобайнида ихтисослик товарларини сотилиш ҳолатини кузатмоў ва маълумотларни тахлил этиш лозимдир. Бундай тахлил ўуйидаги тартибда бажарилади (9-жадвал).

9-жадвал

“АВС” акционерлик жамиятининг раёобатчилари имконияти ва фирма ихтисослик товарларининг бозордаги сотилиш даражасини тахлили

Товарларнинг тури	Улчов бирлиги	Уртача утган уч йилда бозордаги талаб миўдори	Раёобатчилар таклиф ўилган товарлар миўдори	Бозордаги талабдан фарў	Фирма таклиф ўилиши лозим булган товарлар
1	2	3	4	5	6
“А” маҳсулот	дона	2600	2200	400	560
“Б” маҳсулот	кг.	1400	1380	20	14
“В” маҳсулот	кг.	240	159	81	86
“Г” маҳсулот	дона	300	160	140	112
“Д” маҳсулот	тн.	700	670	30	33

Уч йиллик кузатишлар шуни курсатадики, фирманинг “А” маҳсулотига булган талабга нисбатан 160 дона куп товар истеъмолчиларга таклиф ўилинмоўда. Шунингдек, “В” маҳсулот буйича 5 кг ва “Д” маҳсулоти буйича 3000 кг талабга нисбатан ортиўча товарлар бозорга чиўарилган. Демак, бу маҳсулотларни тулиў сотилиши учун раёобатчиларга нисбатан сифатли ва харидоргир товарлар булишига эътибор ўаратилиши лозим. Лекин “Б” ва “Г”

махсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари борлигини тадқиқотлар кўрсатиб турибди. Фирма ихтиёрида бозордаги талабни эътиборга олиб туриб айрим турдаги товарларни кўпроқ таклиф ўилишга ихтисослашиш имкониятлари ҳам бор. Демак, фирмани бозордаги стратегия ва тактикаси турли вариантларда бўлиши ҳам мумкин экан.

Мавзу буйича таянч иборалар:

- талабни ифодаловчи курсаткичлар;
- талабнинг эгилувчанлиги;
- талабнинг узгариш сабаблари;
- талаб ва таклиф мувофиклиги;
- таклифнинг узгариш сабаблари;
- ухшаш товарлар ва уларнинг талаб ҳамда таклифнинг узгаришига таъсири;
- товарларни ракобат даражаси;
- товар ракобатбардошлигини аниклаш боскичлари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Хужалик субъектларининг бозордаги фаолиятини тахлил этишнинг ахамияти нималардан иборат?
2. Корхона махсулотига булган талаб ва таклифни урганишда тахлилнинг асосий вазифалари булиб ўайсилар хисобланади?
3. Бозордаги талаб ва таклифга таъсир этувчи омилларни курсатиб беринг?
4. Корхона махсулоти ва хизматига булган бозор талаби ва таклифини тахлил этиш усулларини курсатиб утинг?
5. Бозордаги раўобат даражаси ўандай тахлил этилади?
6. Нарх-наво сиёсатининг бозордаги талаб ва таклифга таъсири ўандай тахлил этилади?

Мустакил урганиш учун топшириклар

1-топширик

Корхонанинг маркетинг фаолиятини тахлил этишда асосий эътибор нимага қаратилиши лозим. Ракобат бозорида корхона махсулотининг уз урнини топа олишида қандай тадбирлар қуриш мақсадга мувофик эканлигини изохлаб беринг.

**5.1. Махсулот(иш, хизмат) ишлаб чиЎариш курсаткичлари
тахлилининг мазмуни, вазифалари ва ахборот манбалари**

Бозор иктисоди^{ати} шароитида корхона ишлаб чиқариши кузда тутган махсулотлар ҳажми истеъмолчиларнинг кулами ҳамда корхона ички имкониятлари билан узвий боʻлиқдир. Айниқса, махсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бойликларнинг чегараланганлиги мул-кул товарлар яратишни ҳам чегаралайди. Бундай шароитда корхона уз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини туʻри белгилай олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Корхона ярата^{тган} махсулотларининг бозорда мул-куллиги, рақобатчиларнинг имкониятлари ва истеъмолчиларнинг ихтисослик товарларга бўлган талабларининг узғариб туриши ишлаб чиқариш ҳажмини туʻри ва оқилона режалаштиришни талаб этади. ҳар бир корхона ишлаб чиқарадиган махсулотларининг харидорлари билан жорий йил учун шартномавий мажбуриятлар тузадилар. Бунда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар тури, миқдори, сифати, нархи ва муддатлари томонлар уртасида келишилади. Демак, махсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажми истеъмолчиларнинг талаб ва истакларига боʻлиқ булади.

Ички имкониятларни эътиборга олган ҳолда корхонадаги барча мавжуд бойликлардан тулик фойдаланиб, махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини керакли меъ^{арда}, яъни фойда олишни тулик қафолатланган шароитни таъминлашни кузда тутиб ишлаб чиқаришни ташкил этилади.

Махсулотлар ишлаб чиЎариш буйича бизнес режада мулжалланган ҳажми бажарилишини таъминлаш ҳамда юкори сифатли, харидоргир махсулотларни яратилиши корхонанинг бевосита муҳим курсаткичлари бўлиши ишлаб чиқариш таннархи, харажатлар ҳажми, фойда ва рентабеллик, молиявий барқарорлик, тулов қобилияти, соф пул маблаʼларининг ҳисобот давр охирига қупайишини таъминловчи омилдир.

Бошқарув ҳисоботида ишлаб чиЎариш курсаткичи натура ва ўйимат шаклларида акс этади. Жами корхона буйича ишлаб чиЎарилган махсулот, курсатилган хизмат ўйимат шаклида акс эттирилади. Ҳар бир корхона махсулот ишлаб чиЎариш ҳажмини белгиланган номенклатура, ассортиментда сифатли бажариши лозим. ҳозирги шароитда махсулотни ишлаб чиЎариш ҳажми корхона томонидан мустаўил белгиланади ва режалаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар туёрисида"ги ;онунининг 20-моддасида ўйидагилар ўайд этилган: *"Корхона уз фаолиятини мустаўил режалаштиради ва хом-ашЎ ресурсларига, материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиЎарилаЎтган махсулотга, бажарилаЎтган ишга, курсатилаЎтган хизматга бўлган талабларини ҳисобга олиб*

тараўўиёт истиўболларини белгилайди. Корхона давлат эхтиёжлари учун шартнома асосида ишлар бажаради, махсулот сотади ва хизмат курсади”.

Махсулот мул-куллигини таъминлашда аҳолини хилма-хил товарлар билан таъминлашда хорижий сармояларнинг тутган роли катта. Халўаро иўтисодий интеграция жараёнини кузатар эканмиз, ривожланиш даражаси ўандай булишидан ўатгий назар чет эл сармояси киритилган мамлакатлар иўтисодиёти тез суръатлар билан ривожланиб, салмоўли ютуўларга эришаётганлигининг гувоҳи буламиз. Халўаро молиявий ташкилотлар маълумотларига кура бир йилда ўарийб 400 млрд. АЎШ доллари хажмидаги хорижий сармоя бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга, бир минтаўадан бошўа минтаўага олиб кирилади. Президентимиз Ислон Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чакирик XIV Сессиясидаги маърузасида XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси ислохотларни чуўурлаштириш ва жамиятни янгिलाш борасидаги асосий устивор йуналишлар хаўида тухталиб, жумладан шундай деган эди: **«Бешинчи устувор йуналиш - бу иўтисодиётда таркибий узгаришларни таъминлашдир. Мазкур узгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник ўайта жихозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал хом-ашё салохиятидан тула ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт урини босувчи махсулотлар ишлаб чиўарадиган ўувватларни барпо этишга ўаратилмоёи лозим».**

Ўзбекистондаги инвестиция сиёсатининг яна бир мухим жихати - хорижий сармоядорларга берилётган имтиёзлардир. Хорижий сармоядорларда ўизиўиш уйёотаётган иккита имтиёзни мисол сифатида айтишимиз мумкин. **Биринчиси**, агарда улар ўушма корхона тузиб, уни Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастурига киритсалар, 7 йил давомида фойдадан олинадиган солиўдан озод этиладилар. **Иккинчиси**, агар мавжуд ўонунлар узгариб борадиган булса ва бу узгаришлар у ёки бу компанияга иўтисодий ёки бошўа жихатдан зарар етказадиган булса, уша хорижлик сармоядор Ўзбекистонга кириб келган пайтдаги ўонунчиликдан яна 10 йил давомида фойдаланиши ва барўарор вазиятда ишлаши мумкин. Мана шундай хуўуўий кафолатлар, солиўлардаги имтиёзлар туфайли кейинги йилларда мамлакатимизга куплаб хорижий сармоялар киритилмоўда. Утган 13 йил мобайнида 11 млрд. АЎШ долларидаги зиёд маблаё Республикамиз иўтисодиётга киритилган. Ўзбекистон бугунги кунда дунёнинг 80 дан зиёд мамлакатлари билан инвестицион сохада хамкорлик ўилмоўда. Натижада куплаб ўушма корхоналар уз фаолиятини юритмоўда. Бу борада Президентимиз Ислон Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иктисодий ислохотларни чукурлаштиришнинг асосий йуналишларига баъишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги “Эришган марраларимизни мустахкамлаб, ислохотлар йулидан изчил бориш – асосий вазифамиз” деб номланган маърузасида куйидагилар кайд этиб утилди: **“...мамлакатимизда макроиктисодий баркарорлик ва иктисодий усиш суръатларининг изчиллиги таъминланмокда. Кейинги**

олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг усиш суръатлари хар йили мунтазам равишда 4 фоиздан кунрок ошмоқда. Ётган йили бу курсаткич 4,4 фоизни ташиқил ётган.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча муҳим тармоқлари изчил ривожланмоқда. ҳисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоизга усгани ҳам шундан далолат беради. Айниқса, электротехника саноатида (10 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасида (30 фоиз), негил саноат (6,2 фоиз), автомобилсозлик (29,1 фоиз) ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқаришда (8,4 фоиз) усиш суръатлари шунинг далилидир...”.

Корҳонанинг барча эришган натижавий курсаткичлари туғридан-туғри маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан бевосита боғлиқлигини эътиборга олсак, *бу борадаги молиявий ва бошқарув таҳлилининг муҳим вазифалари булиб қуйидагилар ҳисобланади:*

1. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг бизнес режада мулжалланган ҳажмда бажарилганлигига баҳо бериш;
2. Ишлаб чиқаришнинг таркиби, динамикаси ва узғариш сабабларини омилли таҳлил этиш;
3. Маҳсулотларнинг сифати ва стандарт талабларига жавоб бериш даражасини урганиш;
4. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини қупайтириш имкониятларини аниқлаш;
5. Маҳсулот номенклатураси ва ассортиментига баҳо бериш ҳамда уртача ассортимент режасининг бажарилишини таҳлил этиш;
6. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
7. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қупайтириш буйича мавжуд имкониятларни курсатиб бериш;
8. Аниқланган имкониятларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида таклифлар курсатиш ва ҳақозо.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш таҳлилининг объектлари булиб эса қуйидагилар ҳисобланади:

- Маҳсулотлар турлари ва ассортименти буйича ишлаб чиқариш ҳажми;
- Маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги;
- Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таркиби;
- Ишлаб чиқаришнинг маромийлиги ва узлуксизлиги.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида корҳоналарнинг маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ҳажмларини таҳлил этишда молиявий ва бошқарув таҳлилининг асосий ахборот манбалари булиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корҳонанинг бизнес режа маълумотлари;
- «Корҳона (бирлашма)нинг маҳсулоти буйича ҳисоботи» (1-П шакл) номли статистик ҳисоботи маълумотлари;
- “Тайёр маҳсулотлар ҳаракати» туғрисидаги 16-сонли ведомост;

- “Бухгалтерия баланси» (1-шакл) маълумотлари;
- «Молиявий натижалар туърисадаги хисобот» (2-шакл) маълумотлари ва бошка ахборот манбалари.

5.2. Махсулот ишлаб чиъариш хажмини ифодаловчи курсаткичлар тизими ва улардан тахлилда фойдаланиш

хозирги бозор иктисоди^ати шароитида саноат корхоналарининг ишлаб чиқарган махсулотлар хажми миқдорий, шартли – миқдорий, меҳнат ва қиймат улчовларида урганилиши мумкин. Бу улчовлар таркибида ишлаб чиқарилган махсулотлар хажмини урганишда қийматда хисобланган курсаткичларни тахлил этиш муҳим урин эгаллайди. Яъни, корхона буйича барча турдаги ишлаб чиқарилган махсулотлар хажми қиймат улчовида умумлашади. ***Бошқарув тахлили учун саноат корхоналари ишлаб чиқарган махсулот хажмини урганишда қуйидаги умумлаштирувчи курсаткичлар урганилади:***

- Ялпи махсулот;
- Товар махсулоти;
- Сотилган махсулот.

Ялпи махсулот – бу корхонанинг маълум бир даврда (кун, ой, чорак, йил) ишлаб чиқарган махсулоти, курсатган хизмат ва бажарган ишларининг амалдаги ва солиштирма баҳода улчанган хажмига айтилади. Бунда унинг таркибига ишлаб чиқарилган тай^{ар} махсулот, бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматлари, корхонанинг уз капитал ременти учун сарфланган ярим фабрикатлар қиймати, буюртмачиларнинг хом-аш^асидан тай^{ар}ланган махсулотлар қиймати ҳам қушилган холда акс этади. Ишлаб чиқарилган ялпи махсулот хажми корхонанинг қуввати, имконияти ва ихтисослашувини урганишга ҳамда тахлил утказишга имконият яратади.

Товар махсулоти – бу истеъмолчиларга етказиб бериш учун мулжалланган махсулотлар булиб, ялпи махсулотдан шу жихатлари билан фарк қиладики, унинг таркибига тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхона ички истеъмоли (оборот) учун фойдаланилган махсулотлар ҳамда буюртмачиларнинг хом-аш^асидан тай^{ар}ланган махсулотлар киритилмайди.

Сотилган махсулот – истеъмолчиларга жунатилган, ^ақи харидорлардан пули келиб тушган махсулотлар қийматига айтилади. Сотилган махсулотлар хажми солиштирма, бизнес режадаги ва амалдаги баҳоларда хисобланиши мумкин. Бу курсаткичга қараб ишлаб чиъариш ва истеъмол уртасидаги боъликлик, корхонанинг махсулотларини сотиш хажмини қупайтириш буйича имкониятлари бор ^ақи йуқлигини тахлил қилишга асос булади.

Амалдаги эълон ўилинаётган молиявий хисоботнинг иккинчи шакли “Молиявий натижалар туърисадаги хисобот” маълумотларида сотилган махсулотлар хажмини утган ва жорий йиллардаги курсаткичларини урганиш учун сотишдан соф тушум, сотилган махсулотларнинг ишлаб чиъариш

таннархи каби курсаткичлар акс эттирилмоўда. Бу маълумотлар ҳам таҳлил учун муҳим манба сифатида фойдаланилади.

Корхоналарнинг махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилишда муҳим уринни микдорий курсаткичларни урганиш эгаллайди. Бунда махсулот турлари буйича дона, метр, тонна ва ҳақозо бирликларда ишлаб чиқариш суръати, динамикаси ва узғариш даражаларини аниқлаш борасидаги таҳлилнинг имкониятлари яратилади.

Бошқарув таҳлилида махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини урганишда шартли – микдорий курсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Айниқса, товарлар ҳажмини урганишда, масалан, кишлоқ хужалиги махсулотларини қайта ишловчи корхоналарда минг шартли банка, пахта қайта ишловчи корхоналарда шартли – пахта тойи, пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналарда шартли – жуфт о^ак қийимлари каби курсаткичлар таҳлил қилинади.

Шунингдек, куп турдаги махсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилишда сарфланган меҳнат микдорига қараб ҳам маълумотлар урганилади, яъни ҳар бир ишлаб чиқарилган махсулотлар учун сарфланган киши-соати ^аки киши-қуни, бир киши қуни ^аки соатида яратилган махсулотларнинг микдори каби шартли – микдорий маълумотларни урганиб ҳам ишлаб чиқариш фаолиятига баҳо берилади.

Саноат корхоналарининг махсулотлар ишлаб чиқариш даражасини таҳлил қилишда муҳим уринни биз юқорида таъкидлаганимиздек, қиймат улчовида ҳисобланган умумлашган маълумотларни урганиш эгаллайди. Яъни, ишлаб чиқарилган ялпи ва товар махсулоти, сотилган махсулотлар қийматини бир неча йиллар маълумотларига асосланиб таҳлил утқизиш лозим.

10-жадвал

“АВС” акционерлик жамияти буйича махсулот ишлаб чиқаришнинг умумлаштирилган курсаткичлари таҳлили

(минг сумда)

Курсаткичлар	Ўтган йил	ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
		Бизнес режа буйича	ҳақиқатда	утган йилга нисбатан	Бизнес режага нисбатан
1	2	3	4	5	6
Ялпи махсулот:					
• Амалдаги баҳода	1912902	2236548	2721401	+808499	+484853
• Солиштирма баҳода	2113430	2198763	2553967	+440537	+355204
Товар махсулоти:					
• Амалдаги баҳода	1902784	2209568	2701893	+799109	+492325
• Солиштирма баҳода	2109528	2117539	2515931	+406403	+398392
Сотилган махсулот:					
• Амалдаги баҳода	1452513	2367492	3040381	+1587868	+672889
• Шартномавий баҳода	1402677	2301769	2984387	+1581710	+682618

Жадвал маълумотларидан қурииб турибдики, биз таҳлил қила^атган “АВС” акционерлик жамиятида жорий даврда ялпи махсулот ишлаб чиқариш ҳажми утган йилга нисбатан солиштирма баҳо буйича 440537 минг сумга

купайган булса, бизнес режага нисбатан эса 355204 минг сумга купайган. Амалдаги бахолар буйича ялпи махсулот хажми эса бундан купрокка ошган. Бу шундан далолат берадики, жорий йилда утган йилларга нисбатан махсулотлар бахосининг усиши хам кузатилган. Маълумотлардан куриниб турибдики, акционерлик жамиятида ишлаб чикарилатган ялпи махсулотларнинг аксарияти сотишга мулжалланган, яъни товар сифатига эга булган. Аммо, акционерлик жамиятида утган йили товар махсулотларининг каттагина кисми сотилмай омборда колиб кетган. Бу микдор амалдаги бахолар буйича утган йили 450271 минг сумни ташкил этган. хисобот йили маълумотларига эътибор киладиган булсак, ишлаб чикарилган ялпи махсулотга нисбатан сотилган махсулотлар хажми амалдаги бахолар буйича 318980 минг сумга куп булган. Бу шундан далолат берадики, акционерлик жамиятида жорий йилда утган йилдан колган махсулотлар колдиининг каттагина кисмини сотишга муваффақ булинган. Бу эса корхонанинг махсулот ишлаб чикариш ва сотиш хажмлари буйича яхши натижаларга эришганлигидан далолатдир. Бундан ташкари корхонада жорий йилида утган йили ва бизнес режага нисбатан бир кадар куп махсулот реализация килинган. Масалан, амалдаги бахолар буйича корхона жорий йилда утган йилга нисбатан 1587868 минг сумлик куп махсулот сотилишига эришилган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий бахоламок лозим деб хисоблаймиз.

5.3. Махсулот ишлаб чиқариш буйича бизнес режа курсаткичларининг бажарилишини тахлили

Бозор муносабатлари ривожланган сари режанинг ахамияти тобора ошиб боради. Бирор-бир ишлаб чикариш, хусусан, тижорат оясини режасиз амалга ошириб булмаслигини хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар аллакачон тушуниб етишган. Бу ерда гап аввалги собик иттифок давридаги “беш йиллик” режаларимиз хакида кетмаяпти. Хорижий ривожланган мамлакатларнинг «беш йиллик» режалари бутунлай бошкача усулда тузилади. Уларни «Бизнес режа» деб аташади. Эркин бозор муносабатлари шароитида хар бир хужалик юритувчи субъект узининг ишлаб чикариш фаолиятини хамда келгусида амалга ошириши мумкин булган тактик ва стратегик режаларини бизнес режасида акс эттиради.

Бизнес-режа – бу хужалик юритувчи субъектнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий хужжатлардан биридир. Шу билан бирга у:

- Корхона рахбарларига стратегия холатини аник белгилашга арам бериб самарали бошқаришга олиб келади;
- Бозор иктисодиати шароитида бизнесни кандай режалаштириш ва амалга оширишни ургатади;

- хакикий фаолиятни режалаштирилган курсаткичлар билан таккослашга ҳам уз вақтида уларга узгартиришлар киритишга ^ардам беради;
- Корхона фаолияти буйича керакли ахборотларни банкларга инвесторларга ва кредиторларга таклиф этади.

Бизнес-режа корхонанинг иш жара^анини тасвираб, корхона рахбарларининг уз максадларига кандай эришишларини, биринчи навбатда ишнинг даромад келтиришини кай тарика ошириш мумкинлигини курсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режа корхонанинг усиб боришига, бозорда янги мавкеларни кулга киритишга, уз таракки^атининг истикболларини белгилаб олишга, янги товарлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга мулжалларни амалга оширишнинг максадга мувофик усулларини танлаб олишга ^ардам беради.

Бизнес-режа корхонанинг ички хужжати булибгина колмай, балки ундан инвесторлар ва кредиторларни таклиф килишда ҳам фойдаланиш мумкин. Инвесторлар таваккал килиб сармоя беришдан аввал лойиханинг синчиклаб ишлаб чиқилганига ишонч хосил килишлари ва унинг самарали эканлигидан хабардор булишлари керак. Улар сармоя бериш имкониятларини куриб чиқишдан олдин бизнес-режани синчиклаб урганиб чиқишади, сунгра лойихани ишлаб чиққанлар билан учрашадилар.

Жахон амали^ати шуни курсатмоқдаки, бизнес-режа ҳамма учун ута зарурдир. ***Унинг долзарблиги куйидагилар билан изохланади:***

- ***биринчидан,*** иктисоди^атимизга бозор муносабатлари кириб келмоқда. Хужалик юритувчи субъектлар бозор шароитида вужудга келадиган муаммоларни тасаввур эта олмайдилар. Уларга жавоб берадиган даражада тай^ар эмаслар;
- ***иккинчидан,*** бутунлай узгариб бора^атган хужалик фаолияти сохаси катта тажрибага эга булган рахбарларнинг иш ҳам юритишда узгартириш киритишларини такозо этади ва айникса, хозирги кунда бир нарса – ракобатга тай^ар булиб туришга чакиради. Бу сохада иккинчи даражали ишлар булмайди;
- ***учинчидан,*** хориждан инвестиция олиш зарур, бунинг учун буюртмаларимизни исботлаб бериш қобилиятига эга булишимиз, инвестиция мабла^аларининг хар бир жихатини хорижий тадбиркорлардан қолишмайдиган даражада ишлаб чиқишимизни инвесторларга курсата олишимиз керак.

Тузиладиган бизнес-режанинг хажми корхона бажарадиган иш фаолиятига бо^алик булади. Бизнес-режани ишлаб чиқишда ташки маслахатчилардан ҳам фойдаланиш максадга мувофик деб хисобланади.

Махсулот (иш, хизмат)лар хажмини урганишда солиштирма, улгуржи бахоларда ҳамда жорий йилнинг амалдаги бахоларида ани^аланган маълумотлар тахлил ўилинади. Динамикасини ани^алаш учун хисобот даврида ишлаб чи^арилган ха^ай^аий махсулот хажми утган йиллардагиси билан та^аўосланиб курсаткичларни узгариши мутло^а ва нисбий (фоиз)ларда ани^аланиши лозим. Бундай тахлил ўилишда та^аўосланувчи курсаткичлар бир хил бахоларда

хисобланган, яъни таўўосланувчи талабга келтирилгани маўсадга мувофиўдир. Сабаби, аниўланган узгариш ва фарўларда бахо омилининг таъсири булмасдан фаўат миўдорий усиш Ёки камайишлар аниў холати курингани тахлилнинг таъсирчанлигини орттиради. Махсулот (иш, хизмат)лар хажмини утган йилларга нисбатан усиш суръатлари бир хил солиштира улгуржи бахода аниўланади. Амалдаги улгуржи бахода ифодаланган махсулот (иш, хизмат)лар хажмини солиштира баходагиси билан таўўослаш орўали бахонинг узгаришини махсулот миўдорига таъсири аниўланади.

11-жадвал

“ABC” акционерлик жамиятида махсулот ишлаб чиўариш режасининг бажарилиши ва динамикасини тахлили

Курсаткичлар	Утган йил	Ҳисобот йили		Фарўи (+,-)			
		Бизнес режа буйича	Руйхатда	Режадан		Утган йилдан	
				Мутлок, минг сум	Нисбий, %	Мутлок, минг сум	Нисбий, %
1	2	3	4	5	6	7	8
Махсулот хажми (иш, хизмат) улгуржи бахода, минг сумда:							
• Солиштира улгуржи бахода	2113430	2198763	2553967	+355204	+16,15	+440537	+20,84
• Амалдаги улгуржи бахода	1912902	2236548	2721401	+484853	+21,68	+808499	+42,26

“ABC” акционерлик жамияти махсулот ишлаб чиўариш режасини солиштира ва амалдаги улгуржи бахолар буйича ортиЁи билан адо этган. Маълумотлардан куринадики акционерлик жамиятида ҳисобот йили махсулот ишлаб чиқариш хажми солиштира улгуржи бахо буйича утган йилга нисбатан 440537 минг сумга, бизнес режага нисбатан эса 355204 минг сумга купайган. Амалдаги улгуржи бахолар буйича эса махсулот ишлаб чиқариш хажми уган йилга нисбатан 808499 минг сумга ^аки 42,26 фоизга, бизнес режага нисбатан эса 484853 минг сумга ^аки 21,68 фоизга усган. Бундай натижалар шундан далолат берадики, махсулот хажмининг солиштира бахоси билан амалдаги бахоси уртасидаги фарк бахо узгаришининг махсулот хажмига таъсирини акс эттиради. Бундан куринадики, корхонада жорий йилда товарлар бахосида усиш

кузатилган. Бу эса иктисоди^атда маълум даражада инфляциянинг мавжудлигидан далолатдир.

Махсулот ишлаб чиқариш бизнес режасини бажарилиши ва унинг динамикаси миқдорий (дона, кг, тонна) улчамларда аниқланиб тахлил этилади. Бундай тахлил миқдор улчамидаги маълумотларни ургансада, аниқ ҳолатни ва мавжуд имкониятни батафсилроқ акс эттиради. Сабаби, фирма ўнча турдаги ва миқдордаги махсулотлар ишлаб чиқарган бўлса, фаўат ҳаёиўатда эришилган натижаларгина урганилади. Тахлил давомида махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини уртача йиллик усиш даражасини аниқлаш лозим.

Бугунги кунда республикамизда махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг хиссаси ортиб бормоўда. Айниўса, ўшма корхонларни республикамизда фаолият курсатиши экспорт улушини йилдан йилга ортишини таъминламоўда. Улар ўаторига «Зарафшон-Ньюмонт» корхонаси, ўишлоў хужалигини ривожлантириш йулида «Кейс» компанияси билан олиб борилган ҳамкорликни киритиш мумкин. Япония билан ҳам иўтисодий муносабатлар ривожланиб бормоўда. Бунда, Япониянинг «Сумитомо», «Мицубиси»га ухшаган етакчи компаниялари билангина эмас, балки Япония давлати томонидан тузилган молиявий институтлар билан ҳам самарали ҳамкорлик урнатилган. Масалан, «Оисеф» ва Япония Эксимбанки билан яна шундай ҳамкорлик урнатилган. Айниўса Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компанияси билан мустаҳкам алоўа урнатилган. Кейинги йилларда сармояларнинг салмоўли ўисми нефть-газ, машинасозлик, кимё ва туўимачилик саноатига йуналтирилган. Республикада туўимачилик саноати ниҳоятда муҳим соҳа хисобланади. Бу соҳада «ДЭУ текстиль» ва «Кабул текстил» компаниялари билан ҳамкорлик урнатилган. Хорижий ҳамкорлик билан биргаликда амалга оширилган лойиҳаларнинг барчаси иўтисодиётимизнинг долзарб йуналишларига таъалуўлидир. Масалан, Жиззахдаги аккумулятор заводида Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун аккумуляторлар тайёрланади. Саудия Арабистонидаги «Дар-ус-салом» компанияси республика ЁЁ-мой саноати корхоналарини модернизация ўилишга сармоя сарфламоўда. Бошўа давлатларда чет эллик сармоядорларга мамлакатнинг йирик саноат корхоналари, иншоотлари сотиб юборилган бир пайтда, биз хорижликлар билан 50 га 50 тамойили асосида ишламоўдамиз. 1998 йилда мамлакатимизда 1,3 млрд. АШ доллари ҳажмида хориж сармояси узлаштирилган бўлса, 1999 йилда бу курсаткич 2 млрд. АШ долларини ташкил этди. Президентимиз Ислом Каримов уз маърузаларида бу ҳақда куйидагиларни таъкидлаб утган: *“Биз учун устивор учун булиб кола^атган энг муҳим вазифалардан яна бири – бу кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир. Сунгги пайтда бу йуналишда ута муҳим конун хужжатлари ва қарорлари қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг усиши тамойиллари, шунингдек, уларга бериладиган имти^аз ва енгилликлар тизими аниқ белгилаб қуйилди. Хусусий қорхона туўрисидаги қоидалар конун нуқтаи-назаридан мустаҳкамланади. Тадбиркорлик субъектларини руҳлатга олиш тартиби тубдан янгиланади ва соддалаштирилади. ҳозирги вақтда бу иш битта идорада, таъбир жоиз*

булса “битта дарча”нинг узиди тула амалга ошириш тартиби жорий этилди. Бунда тадбиркорлик субъектини руйхатга олиш билан бир вақтнинг унинг муҳандислик тармоқларига йуналишига рухсат берувчи хужжатлар ҳам расмийлаштирилади, солиқ ва статистика органларида ҳисобдан утиш масаласи ҳам тула ҳал этилади. Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини руйхатга олиш ва расмийлаштириш жараҳни етти кундан бир ойгача булган муддат ичида бажарилиши шарт”.

5.4. Маҳсулот таркибидаги структуравий узгаришлар таҳлили

Корхона (фирма)ларнинг ихтисослигига кирувчи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таркиби бозордаги талаб ва таклифнинг узгаришига ўараб мунтазам такомиллашиб, ривожланиб ҳамда мукаммаллашиб боради. Айниўса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, ўйимат улчамидаги ҳажми структуравий узгаришлар таъсирида ортиб ёки камайтирилиб аниўланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми сарфланаётган моддий ва меҳнат харажатларини эътиборга олган ҳолда урганилиши таҳлилда эришилган натижаларни янада аниўроў урганиш имкониятини яратади.

Корхона учун купроў фойда келтирувчи, кам харажатлар талаб этиладиган товарларни ишлаб чиқариш ута манфаатлидир. Шунинг учун ҳам товарларни ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил ўилишда структуравий узгаришларни эътиборга олиш маўсадга мувофиўдир. Маҳсулотлар ҳажмида структуравий узгаришларни меҳнат сиёими курсаткичлари орўали аниўлаш мумкин. Меҳнат сиёимини меъёр-соат, меъёрлаштирилган иш ҳаўи курсаткичлари орўали аниўланади.

Маҳсулот турлари буйича режанинг бажарилиши ҳар хил даражада булиши структурани узгаришидан далолат беради. Структура буйича маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши учун ҳаўиўий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барча хиллари режалаштирилган маҳсулот таркиби ва тузилишига тенг келиши керак. Ишлаб чиқарилган маҳсулот структурасининг узгариши фирманинг барча иўтисодий курсаткичларига таъсир этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида ўйиматбаҳо маҳсулот турлари улушини ортиши туфайли маҳсулот ўйимат шаклида ортади ва бунинг аксича булса, ўйимат шаклида маҳсулот камаяди. Худди шундай юўори рентабелликка эга булган маҳсулот турларини ортиши, рентабеллиги паст турларини пасайиши туфайли умумий фойда миўдори ортади.

Маҳсулот ҳажмига структуравий узгаришларни таъсирини занжирли боёланиш усули орўали аниўлаш мумкин. Корхона учун наф келтирувчи барча структуравий узгаришлардан фойдаланиш маҳсулотларнинг ҳажмини купайтириш имкониятини яратади. Маҳсулот ҳажмига структуранинг узгаришини таъсирини куйидаги жадвал маълумотлари асосида таҳлил килиб чиқамиз.

“ABC” акционерлик жамиятида товар махсулотлари структурасининг тахлили

Махсулот турлари	Махсулот бирлигини бахоси, сум	Ишлаб чиқарилган махсулот натурада, дона		Товар махсулоти солиштирма баҳода, минг сумда			Структуранинг узгариши ни товар махсулоти га таъсири
		Бизнес режада	Руйхатда	Бизнес режада	Ғаўийий и/ч. махсулот режадаги структурада	Руйхатда	
1	2	3	4	5	6	7	8=7-6
“А”	8950	96700	103458	865465	932873	925949	-6924
“Б”	7600	102700	97639	780520	737195	742056	+4861
“В”	3460	56800	61528	196528	207349	212887	+5538
“Г”	2570	65200	57621	167564	152784	148086	-4698
“Д”	5680	18919	85731	107462	401786	486953	+85167
Жами	х	х	х	2117539	2431987	2515931	+83944

Жадвал маълумотлари асосида корхонада ишлаб чиқарила^атган махсулотларнинг структуравий узгариши натижасида ишлаб чиқариш хажми қандай узгара^атганлигига баҳо беришимиз мумкин булади. Маълумотлар шуни курсатмоқдаки, корхонада ҳисобот даврида бизнес режа бўйича жами 2117539 минг сумлик товар махсулоти ишлаб чиқариш режалаштирилгани ҳолда, ҳақиқатда 2515931 минг сумлик товар махсулоти ишлаб чиқарилган. ҳақиқий ишлаб чиқарилган махсулот режадаги структурада жами 2431987 минг сумни ташкил этган, яъни структуранинг узгариши товар махсулотининг хажмига 83944 минг сумга ижобий таъсир этган. Бу товарларнинг структурасини узгариши корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига узининг ижобий таъсирини курсатганлигидан далолатдир.

Структурани узгариш сабаблари турлича бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқарилган товарлар таркибида юўори нархга сотилиши мумкин бўлган махсулотлар улушининг купайиши;
- мумай фойда келтирувчи товарларнинг хажми;
- меъёрдаги моддий ва меҳнат сарфларидан ҳам тежамкорлик имконияти бўлган товарларнинг мавжудлиги;
- арзон хом-ашё, ёўилёи ва бошўа моддий бойликларнинг яўинлиги;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг технологиясини такомиллаштириш эвазига юқори манфаат;
- товарлар сифатини яхшиланиши ва бошқалар.

“ABC” акционерлик жамияти буйича товарларнинг структуравий узгаришини махсулот ишлаб чикариш хажмларига таъсири

Махсулот турлари	Ишлаб чиўарилган махсулот, дона		Махсулот бирлигинингб ахоси, сумда	1 бирлик махсулот ишлаб чиўариш учун сарфланган ваўт, норма-соатда	Ишлаб чиўарилган махсулот			
	Бизнес режа буйича	хаўиўатда			Ўйимат шаклида, минг сум		Норма-соатда	
Уларнинг факат битта шарти умумий Низомда белгиланган. Яъни, яқин уч йиллик ораликда корхона учун одатий ҳол ҳисобланмаган ҳолатлардан олинладиган даромадлар ёки фойда суммаси корхона учун қутилмаган ҳолатлардан олинган даромадлар сирасига киритилади.

Қутилмаган ёки фавкуллда ҳолатлардан олинган даромадлар ёки улар буйича йукотишлар молиявий натижалар туёрисидаги ҳисоботнинг алоҳида таркиб катори сифатида белгиланган.

Уларни корхонада режалаштириш амалга оширилмайди. Яъни, фавкуллда даромад ва харажатлар режалаштирилмайдиган каторга киритилади. Уларнинг ҳозирги пайтда корхоналар фаолият натижавийлигидаги салмоқ и сезиларга таъсирга эга эмас.

11.10. Корхона ҳисоб фойдаси (солиқ туловига қадар фойда) таҳлили

Корхона ҳисоб фойдаси ва унинг таркибига киритилладиган каторлар туёрисида юқорида қенгрок тухталган эдик. Яъни, корхона ҳисоб фойдаси

асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган натижа, молиявий фаолиятдан натижа, фавкулудда фаолиятдан ёки ҳолатлардан натижаси жамланган ҳолда жорий давр буйича корхонанинг ҳисоб фойдаси аниқланади. Корхона ҳисоб фойдаси давлатнинг ва ахборот фойдаланувчиларнинг эътибор шартларидаги асосий катор ҳисобланади. Даромад ва харажатлар уларнинг юзага чиқиш вақти ва урни буйича юритилган ҳолда якуний натижа ушбу қоида асосида тузилади.

Корхона ҳисоб фойдаси ёки солиқ туловига қадар бўлган фойда (зарар) суммасидан фойда даромаддан солиқлар ва бошқа фойдадан солиқлар, туловлар ва ажратмаларни чегириш асосида корхонанинг жорий давр буйича соф фойда (зарар) суммаси аниқланади. Республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ барча ҳужалиқ ҳисобидаги корхоналар даромад солиғи туловчилар ҳисобланади ва уларнинг айрим гуруҳи буйича доимий ва вақтинчалиқ имтиёзлар белгиланган.

Бошқа солиқли туловлар қаторига республика ва маҳаллий бюджетга тушадиган айрим тур солиқлар киритилади. Уларнинг тури ва ундириш тартиби Давлат Солиқ қумитаси тамонидан белгиланади. Ягона солиқ туловига утган корхоналарда ушбу солиқ тури олинган даромаддан қатъий ставкаларда ҳисобланади ва туланади.

11.11. Соф фойда ва унинг узғаришини омилли таҳлили

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир ҳужалиқ субъекти уз фаолияти натижасида соф фойдага эришишни қўлайди. Шу сабабли ҳам соф фойда микдорини урганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш қорхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Қорхона ихти^арида қоладиган ва унинг эркин тасарруфидаги фойда соф фойда дейилади. Ушбу қўрсаткич солиқ туловига қадар бўлган фойда суммасидан фойда (даромад)дан солиқ ва бошқа солиқлар ва ажратмалар суммасини чегириш асосида аниқланади. Соф фойда таҳлилида унинг утган йилларга, шунингдек, қорхона бизнес режаси қўрсаткичларига нисбатан узғаришлари урганилади. Молиявий натижавийликнинг ушбу якуний қатори барча ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчилар эътиборидаги масала ҳисобланади.

Ташқи ахборотдан фойдаланувчилар қорхонанинг фойдалиқ даражасига, уз активларини мақсадли бошқаришнинг шартларини белгилашга ҳам жиддий аҳамият беришади. Масалан, қорхона мулкида ҳиссали қатнашувчилар акция эгалари қелишувига ^ақи хусусий капиталдаги улушига қараб тақсимланадиган ҳисоб фойдасининг ҳолатига қорхона ихти^арида қоладиган соф фойда билан қизиқсалар, инвестиция қомийлари эса қорхона фаолиятининг барқарорлиги ва узиш даражаларига қўпроқ қизиқадилар.

Бугунги қунда қорхона соф фойдасининг узғаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- маҳсулот, иш ва хизматларни қотиш ҳажмининг узғариши;

- махсулот, иш ва хизматлар бахосининг узгариши;
- махсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг узгариши;
- давр харажатларининг узгариши;
- молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарларнинг узгариши;
- фавкулудда фойда ва зарарлар узгариши;
- фойдадан олинган солиқлар ва солиқли туловларнинг узгариши ва ҳақозолар.

Таҳлил этишда ҳар бир омилнинг соф фойда узгаришидаги мураккаб кўрсаткичлари аниқланади. Уларнинг узгаришларига баҳо бериш орқали корхонада фойдани устириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги урганилади.

57-жадвал

Соф фойда ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

(минг сумда)

Курсаткичлар	Ўтган йили	ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Махсулот сотишдан олинган ялпи фойда	522905	872059	+349154
2. Давр харажатлари	-201985	-388162	+186177
3. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва йукотишлар	-79617	-82828	+3211
4. Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар	34354	51975	+17621
5. Фавкулуддаги фойда ва зарарлар	-	-	-
6. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ҳамда ажратмалар	245414	427644	+182230
Жорий йилнинг соф фойдаси	30243	25400	-4843

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, таҳлил қилинган «АВС» акционерлик жамиятида ҳисобот даврида соф фойда ҳажми ўтган йилга нисбатан 4843 минг сумга камайган. Унинг узгаришига ҳар битта курсаткичнинг таъсирини фарқ каторига қараб баҳолаш мумкин. Соф фойданинг камайишига асосан давр харажатларининг кескин ошириб кетганлиги ҳамда фойдадан туланган солиқ суммасининг ўтган йилга нисбатан деярли икки марта қўшқонлиги сабаб бўлган. Масалан, махсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўтган йилга нисбатан 349154 минг сумга ўсиши соф фойда суммасининг шунча узгаришига олиб келган. Давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган зарарлар суммасининг, фавкулудда зарарлар суммасининг, фойдадан солиқлар суммасининг ўтган йилларга нисбатан ўсиши натижасида корхона соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 371618 минг сумга камайган.

Барча омиллар таъсирида соф фойда суммаси утган йилга нисбатан 4843 минг сумга камайган. Демак, корхонада фойдани устириш юзасидан 371618 минг сумлик ички резерв мавжуд дейиш мумкин. Агар корхона ушбу каторлар буйича узининг олдинги йил курсаткичларини саклаганда эди яна кушимча тарзда шунча фойда олиши мумкин эди.

11.12. Рентабеллик ва унинг курсаткичлар тизими

Корхона фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг асосий курсаткичларидан бири рентабеллик курсаткичи ҳисобланади.

Рентабеллик - корхона фойдалиқ даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли буйича даромадларнинг юзага чиқиш урни ёки базаси буйича, фойданинг узгаришига таъсир этувчи бирликлар буйича ёки мустақил бирликлар буйича аниқланиши мумкин.

Бозор иқтисоди^{ати}ти шароитида иқтисоди^{ат}т тармоқларида рентабелликнинг куйидаги турлари аниқланади:

1. Ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик;

$$P = \frac{\text{соф фойда}}{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}} \times 100\%$$

Ушбу курсаткич бир сумлик ишлаб чиқариш харажати ҳисобига олинган фойда суммасини характерлайди.

2. **Асосий воситалар рентабеллиги.** Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сумлик ёки минг сумлик асосий восита ҳисобига туёри келадиган фойда суммасини характерлайди. Ушбу курсаткич соф фойда суммасини асосий воситаларнинг уртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

3. **Сотиш буйича рентабеллик.** Сотиш буйича рентабеллик сотилган маҳсулотларнинг фойдалиқ даражасини характерлайди. Ушбу курсаткич сотишдан олинган ялпи фойда суммасини маҳсулотларни сотишдан олинган тушумга бўлиш асосида аниқланади. Яъни

$$P = \frac{\text{Сотишдан олинган фойда}}{\text{Сотишдан олинган тушум суммаси}} \times 100\%$$

4. **Оборот активлар рентабеллиги.** Ушбу курсаткич оборот активларнинг хар бир сумига туёри келадиган фойда, соф фойда суммасини характерлайди. Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда суммасини оборот активларнинг уртача йиллик кийматига булиш асосида аникланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Оборот активлар уртача йиллик киймати}} \times 100\%$$

5. **Жами мулк рентабеллиги.** Ушбу курсаткич корхона мулкининг фойдалилик даражасини характерловчи асосий курсаткич хисобланади. Бу курсаткич хар бир сумлик мулка туёри келадиган соф фойда суммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$$

6. **£з маблаълари рентабеллиги.** Ушбу курсаткич корхонанинг узига тегишли булган маблаъларнинг фойдалилик даражасини характерлайди. Корхона соф фойдасини унинг узлик маблаълари манбаига булиш асосида узлик капиталининг фойдалилик даражаси урганилади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона узлик маблаглари}} \times 100\%$$

7. **арз маблаълари рентабеллиги.** Ушбу курсаткич корхона соф фойдасини карзга олинган маблаъларига нисбати асосида аникланади. Бу курсаткич хар бир сумлик карз маблалга туёри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{арз маблаълари жами}} \times 100\%$$

8. **Асосий воситалар ва моддий оборот маблаълари рентабеллиги.** Ушбу курсаткич соф фойда суммасини корхона асосий воситалари ва моддий оборот маблаълари уртача йиллик кийматига булиш асосида аникланади. У хар бир сумлик асосий ва оборот маблалга туёри келадиган фойда суммасини характерлайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий ва оборот маблаълари урт. йил. кийм.}} \times 100\%$$

Бугунги кунда амали^атда кенг таркалган рентабеллик курсаткичларининг айримларини куйидаги жадвал мисолида тахлил килиб чикамиз.

58-жадвал

«ABC» акционерлик жамиятининг рентабеллик курсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар тахлили

№	Курсаткичлар	Утган йили	хисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4	5
1	Махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сум	1452513	3040381	+1587868
2	Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чикариш таннархи, минг сум	929608	2168322	+1238714
3	Махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сум	522905	872059	+349154
4	Соф фойда, минг сум	30243	25400	-4843
5	Асосий воситаларнинг уртача йиллик киймати (колдик кийматда), минг сум	80892	91253	+10361
6	Оборот маблагларининг уртача йиллик киймати, минг сум	531756	689066	+157310
7	Корхонанинг жами мулки, минг сум	718546	892557	+174011
8	Ўзлик маблаглари манбаи, минг сум	460499	729410	+268911
9	Карз маблаълари, минг сум	258047	163147	-94900
10	Махсулот сотиш рентабеллиги, %	36,0	28,68	-7,32
11	Асосий воситалар рентабеллиги, %	37,98	27,83	-9,55
12	Оборот маблаълари рентабеллиги, %	5,69	3,69	-2,0
13	Ишлаб чикариш таннархи рентабеллиги, %	56,25	40,22	-16,03
14	Ўз маблаълари рентабеллиги, %	6,57	3,48	-3,09
15	Мол-мулк рентабеллиги, %	4,21	2,85	-1,36
16	Умумий рентабеллик, % (4\5+6)*100	4,94	3,25	-1,69
17	Карз маблаълари рентабеллиги, %	11,72	15,57	+3,85

Юкоридаги жадвал маълумотларидан куринадики, биз тахлил кила^атган «ABC2 акционерлик жамиятида хисобот йилида утган йилга нисбатан аксарият рентабеллик турлари буйича пасайиш кузатилган. Бу шундан далолат бермокдаки, корхонанинг самарадорлиги пасайиб бора^атганлигидан хамда унинг молиявий ҳолати ^амонлаша^атганлигидан далолатдир. Маълумотлардан куринадики, жорий йилда махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум миқдори +1587868 минг сумга ортган булсада, бунга мос равишда махсулотларнинг ишлаб чикариш таннархи хам, бошка турдаги активлар хам усан. Соф фойда миқдори эса утган йилга нисбатан 4843 минг сумга камайган. Натижада аксарият рентабеллик курсаткичларида пасайиш тенденцияси ҳосил булган. Корхонада факатгина карз маблаълари рентабеллиги 3,85 фоизга усиши кузатилган ҳолос. Корхона маъмурияти рентабеллик курсаткичларини яхшилаш чораларини куриши лозим булади. Акс ҳолда, корхонанинг молиявий ҳолати танг ахволга тушиб колиши мумкин.

11.13. Рентабелликка таъсир этувчи омиллар тахлили

Рентабеллик узгаришига таъсир этувчи омилларга тахлилда алохида ахамият берилади. Рентабеллик узгаришига таъсир этувчи омилларни уларда катнашувчи бирликларга нисбатан белгилаш мумкин. Масалан, махсулотни сотишга нисбатан рентабеллик узгаришига сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг узгариши ва сотишдан олинган тушумлар суммасининг узгариши таъсир этса, асосий воситалар рентабеллигига корхона соф фойдасининг узгариши ва асосий воситаларнинг уртача йиллик кийматининг узгариши, умумий рентабелликка бир сумлик тушумга туёри келадиган соф фойда суммасининг узгариши, асосий воситалар кайтимининг узгариши ва моддий оборот маблаълар кайтимининг узгаришлари таъсир килади ва х.к.

Рентабеллик узгаришига таъсир этувчи омилларни куйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳам аниқ куриш мумкин.

59-жадвал

Мол-мулк рентабеллиги ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар тахлили

Курсаткичлар	Ўтган йили	Шартли курсаткич (рентабеллик)	хисобот йили	Жами узгариш (+,-)	Шу жумладан	
					Фойдани узгариши хисобига	Мол-мулк кийматининг узгариши хисобига
1	2	3	4	5	6=4-3	7=3-2
Рентабеллик, %	4,21	3,53	2,85	-1,36	-0,68	-0,68

Биз тахлил килаётган корхонада хисобот йилида мол-мулк рентабеллиги утган йилга нисбатан 1,36 фоизга пасайган. Бунга асосан иккита омил, яъни, соф фойда миқдорининг узгариши ҳамда мол-мулк кийматининг узгариши таъсир этган. Маълумотлардан куринадики, соф фойданинг хисобот даврида камайганлиги хисобига мол-мулк рентабеллигини утган йилга нисбатан 0,68 фоизга пасайишига, мол-мулк кийматининг жорий даврда узгарганлиги эса 0,68 фоизга пасайишига олиб келган. Бундай натижалар одатда корхона учун салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Шу сабабли корхона маъмурияти рентабелликни ошириш чораларини ва мавжуд имкониятларни излаб топиши лозим бўлади.

Мавзу буйича таянч иборалар

- молиявий натижалар тахлилининг мазмуни ва тахлил вазифалари;
- молиявий натижалар туЁрисидаги хисобот, улар билан ўйзиўувчиларни жалб этувчи асосий курсаткичлар;
- молиявий натижаларни шаклланиши;
- сотишдан курилган фойдага таъсир этувчи омилларни хисоблаш тартиби;
- давр харажатларини тахлил этиш услуби;
- асосий фаолиятнинг бошўа жараёнларидан даромадлар ва тушумлар;
- молиявий фаолиятдан курилган фойда (зарар)ларни тахлил этиш тартиби;
- рентабеллик турлари, уларни мохияти ва аниўлаш тартиби;
- корхона активи (мол-мулк) рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар;
- ишлаб чиўариш рентабеллиги ва унга таъсир этувчи омиллар;
- махсулот турлари буйича рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар;

А) махсулот таннархи

Б) махсулот бирлигини бахоси

- фойда ва рентабелликни ошириш йуллари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Молиявий натижа атамасининг луЁавий маъноси нимадан иборат?
2. Хужалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини урганишда тахлилнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Молиявий натижаларни урганишда ўандай маълумотлардан фойдаланилади?
4. Хужалик юритувчи субъектларнинг фойда (зарари)си таркибига нималар киради ва уни тахлил ўилиш ўандай амалга оширилади?
5. Молиявий натижаларнинг аниўланиш тартибини курсатиб беринг?
6. Махсулот сотишдан олинган ялпи фойда ўандай тахлил этилади?
7. Асосий ишлаб чиўариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси ўандай

- тахлил ўилинади?
8. Молиявий фаолиятдан қурилган даромад ва йўотишлар ўандай урганилади?
 9. Умумхужалик фаолиятдан олинган ялпи молиявий натижа ва унга таъсир этувчи омиллар ўандай тахлил этилади?
 10. Фавўуллоддаги фойда ва зарарлар ўандай тахлил этилади?
 11. Солиў тулангунгача бўлган молиявий натижалар ўандай тахлил этилади?
 12. Соф фойда ва унга таъсир этувчи омиллар ўандай тахлил ўилиб чиўилади?
 13. Фойда ўандай таўсимланади ва унинг тахлили ўандай амалга оширилади?
 14. Махсулот ишлаб чиўаришнинг критик хажм даражаси деганда нимани тушунаси ва у ўандай тахлил этилади?
 15. Молиявий натижалар ўандай баҳоланади?
 16. Даромадларнинг жорий ва келгусидаги ўийматини аниўлаш тартибини курсатиб беринг?

Мустакил урганиш учун топшириклар

1-топширик

Ўйида илова қилинган “Молиявий натижалар туўрисидаги ҳисобот” маълумотлари асосида қорхонанинг молиявий натижаларини мустакил равишда тахлил қилиб чиқинг, хулосалар азинг ва таклифлар беринг.

2-топширик

“Молиявий натижалар туўрисидаги ҳисобот” маълумотларига таяниб қорхонанинг зарар қурмаслик нуқтасини аниқланг.

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТУЎРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
(2-сонли шакл)**

Курсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Утган йилнинг шу даврида За соответствующий период прошлого года		Ҳисобот даврида За отчетный период	
		Даромад- лар (фойда) Доходы (прибыль)	Харажатлар (зарар) Расходы (убытки)	Даромад- лар (фойда) Доходы (прибыль)	Харажатлар (зарар) Расходы (убытки)
1	2	3	4	5	6
Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум Чистая выручка от реализации продукции (товаров, работ и услуг)	010	4035485,8	x	4517395,6	x
Сотилган махсулот (товар, и шва хизмат)ларнинг таннари Себестоимость реализованной продукции (товаров, работ и услуг)	020	x	2777126,7	x	1725282,9
Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр 010-020) Валовая прибыль (убыток) от реализации продукции (товаров, работ и услуг) (стр. 010-020)	030	1258359,1		2792112,7	
Давр харажатлари, жами (сатр. 050+060+070+080), шу жумладан: Расходы периода, всего (стр. 050+060+070+080), в том числе:	040	x	3358660,5	x	4320200,4
Сотиш харажатлари Расходы по реализации	050	x	209658,0	x	366798,4
Маъмурий харажатлар Административные расходы	060	x	1444062,3	x	2256047,1
Бошка операцион харажатлар Прочие операционные расходы	070	x	1704940,2	x	1697354,9
Келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари Расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемой базы в будущем	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари Прочие доходы от основной деятельности	090	469823,4	x	1703000,8	x

Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090) Прибыль (убыток) от основной деятельности (стр. 030-040+090)	100		1630478,0	174913,1	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр. 120+130+140+150+160), шу жумладан: Доходы от финансовой деятельности, всего (стр. 120+130+140+150+160), в том числе:	110	2188640,6	x		x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде дивидендов	120	422509,6	x	218253,9	x
Фоизлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде процентов	130	214552,9	x	294266,2	x
Узок муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар Доходы от долгосрочной аренды (финансовый лизинг)	140	1497228,5	x	-	x
Валюта курси фаркидан даромадлар Доходы от валютных курсовых разниц	150	31767,9	x	80731,9	x
Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари Прочие доходы от финансовой деятельности	160	22581,7	x		x
Молиявий фаолият буйича харажатлар (сатр. 180+190+200+210), шу жумладан: Расходы по финансовой деятельности (стр. 180+190+200+210), в том числе:	170	X		X	
Фоизлар шаклидаги харажатлар Расходы в виде процентов	180	x		X	
Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) буйича фоизлар шаклидаги харажатлар Расходы в виде процентов по долгосрочной аренде (финансовому лизингу)	190	x		X	
Валюта курси фаркидан зарарлар Убытки от валютных курсовых разниц	200	x		X	
Молиявий фаолият буйича бошка харажатлар Прочие расходы по финансовой деятельности	210	x		X	

Умумхужалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр. 100+110- 170) Прибыль (убыток) от общехозяйственной деятельности (стр. 100+110-170)	220	558162,6		768165,1	
Фавкулуддаги фойда ва зарарлар Чрезвычайные прибыли и убытки	230				
Даромад (фойда) солиџини тулагунга кадар фойда (зарар) (сатр. 220+\-230) Прибыль (убыток) до уплаты налога на доходы (прибыль) (стр. 220+\- 230)	240	558162,6		768165,1	
Даромад (фойда) солиџи Налог на доходы (прибыль)	250	x	425367,1	x	565516,7
Фойдадан бошка соликлар ва џиџимлар Прочие налоги и сборы от прибыли	260	x	10623,6	x	16225,2
хисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр. 240-250-260) Чистая прибыль (убыток) отчетного периода (стр. 240-250-260)	270	122171,9		186423,2	

БЮДЖЕТГА ТУЛОВЛАР ТУЎРИСИДА МАЪЛУМОТ

Курсаткичнинг номи Наименование показателя	Сатр коди Код строки	Ҳисоб буйича туланади Причитается по расчету	Руйхатда туланган Фактически внесено
1	2	3	4
Даромад (фойда) солиџи, (сатр. 281+282), шу жумладан: Налог на доходы (прибыль), (стр. 281+282), в том числе:	280	565531,3	565531,3
Юридик шахслардан С юридических лиц	281	565531,3	565531,3
Жисмоний шахслардан С физических лиц	282		
Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик Единый налог с валовой выручки	290		
Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солик Единый налог на вмененный доход	300		
Ягона ер солиџи Единый земельный налог	310		
Ягона солик Единый налог	320		
Ўшилган киймат солиџи налог на добавленную стоимость	330	5401,5	5401,5
Акциз солиџи Акцизный налог	340		
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик Налог за пользование недрами	350		

Экология соли`и Экологический налог	360	24866,1	24866,1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик Налог за пользование водными ресурсами	370	475,1	475,1
Импорт буйича божхона божи Импортные таможенные пошлины	380		
Мол-мулк соли`и Налог на имущество	390	45816,6	45816,6
Ер соли`и Земельный налог	400	13234,2	13234,2
Инфраструктурани ривожлантириш соли`и Налог на развитие инфраструктуры	410	16210,7	16210,7
Бошка соликлар Прочие налоги	420	1230,4	1230,4
Махаллий бюджетга йи`имлар Сборы в местный бюджет	430		
Бюджетга туловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар Финансовые санкции за просроченные платежи в бюджет	440		
Жами бюджетга туловлар суммаси (280 дан 440 сатргача, 281 ва 282 сатрлардан ташқари) Всего сумма платежей в бюджет (стр. с 280 по 440 кроме стр. 281 и 282)	450	672765,9	672765,9

12.1. Бозор иўтисодиёти шароитида хужалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик ўрзларини урганишнинг ахамияти, тахлил вазифалари ва ахборот манбаи

Корхоналар уртасида буладиган, шунингдек, кредит ташкилотлари ва назорат ташкилотлари уртасидаги хисоб китобларда туловлар буйича кечиктирилган вақт буйича фаркланишлар келиб чиқади. Бунда корхона томонидан туланиши лозим булган мажбуриятлар **кредиторлик мажбуриятлари**, олиниши лозим булган мажбуриятлар эса **дебиторлик мажбуриятлар** хисобланади. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларига куйидагича шарх бериш мумкин. Ҷарши тамонга туланиши лозим булган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, карши тамондан олиниши лозим булган мажбуриятлар дебиторлик мажбуриятлари дейилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари хисоб китобларнинг доимий йулдоши хисобланади. Лекин уларнинг тулов муддатининг ошиб кетиши корхоналар молиявий аххволига катта таъсир утказади. Шу максатда корхоналар фаолиятини юритишда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини туёри бошқариш масаласига алохида ахамият берилади.

Муддати утган дебиторлик мажбуриятларининг олдини олиш бевосита давлат назорати ва эътиборидаги масала хам хисобланади. Негаки, корхоналар ва ташкилотлар уртасида буладиган узаро муносабатларда мажбуриятларни тартиблаш асосида давлат нақд пул муомаласини бошқариш ва иктисодий тадбирлар режасини тузиб чиқиш чора тадбирлари белгиланади.

Тахлил этишнинг асосий максати – дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари айланиш даврини тезлаштириш асосида корхонанинг молиявий холатини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилашдан иборат. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари буйича хисобот, маълумотнома хар ойнинг 1-санасида тузилиб, тегишли ташкилотларга топширилади. Ушбу маълумотномадан корхонанинг мажбуриятлар балансини хам тузиш мумкин.

Тахлил этишда корхоналарнинг муайян даврга булган узаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг холатига, таркибига, ташкил топиш муддатларига, юзага чиқиш сабабаларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг окланувчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари буйича даргумон карзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

Бугунги бозор иктисоди⁴тига утиш шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини урганишида молиявий тахлилнинг асосий вазифалари булиб:

- Дебиторлик ва кредиторлик карзларининг юзага чиқиш сабабларини урганиш;
- Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик карзлари ҳолатига баҳо бериш;
- Дебиторлик ва кредиторлик карзларининг вужудга келиш муддатлари буйича таснифлаган ҳолда урганиш;
- Дебиторлик карзларининг таркибий тузилиши ва динамик узгаришларига баҳо бериш;
- Кредиторлик карзларининг таркибий тузилиши ва динамик узгаришларига баҳо бериш;
- Дебиторлик ва кредиторлик карзларининг айланувчанлигига баҳо бериш;
- Муддати утган дебиторлик ва кредиторлик карзларининг мавжудлигини ва уларни тугатиш йулларини урганиш;
- Ҷарзларни камайтириш буйича мавжуд имкониятларни курсатиб бериш ва ҳакозо.

Хужалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик карзларини урганишида асосий ахборот манбалари булиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ Корхонанинг «Бухгалтерия баланси» (1-шакл) маълумотлари;
- ✓ «Дебиторлик ва кредиторлик карзлар ҳақида маълумотнома» дан;
- ✓ Бухгалтерия ҳисобининг дебиторлик ва кредиторлик карзларини акс эттирувчи тегишли сч^ат маълумотлари.

12.2. Бухгалтерия баланси буйича дебиторлик ва кредиторлик ўарзларининг вужудга келиш сабаблари

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бевосита корхона билан қарши тамон уртасидаги узаро ҳисоб китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар корхона билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар уртасидаги муносабатларда, корхона билан банк ташкилотлар уртасида, корхона билан солиқ органлари уртасидаги, корхона билан ижтимоий таминот булимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунингдек, ходимлар, мулк эгалари, акционерлар ва инвесторлар билан буладиган муносабатларда юзага келади. Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб китобларда вақтнинг узгарувчанлигидир. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тулангунга қадар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар қаторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага

чикиши билан улар буйича ҳисоб китобларнинг амалга ошиши орасида фаркланиш келиб чиқади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келиши буйича куйидаги сабаб каторларини таркиблаш мумкин:

-узaro ҳисоб китобларда томонларнинг тулов лаёқатига эга эмаслиги;
-товарларни ортиб жунатиш ва сотишда ҳисоб китобларнинг замонавий шакллариининг чекланганлиги;

-мулк ва унга эгалик килишда масъуллиқ хиссининг йуклиги;
-узaro шартномавий муносабатларнинг яхши йулга куйилмаганлиги;
-даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармок хусусиятидан келиб чикилмаганлиги;

-харажатлар таркибига кирувчи иш ва хизматларни ҳисобга олишда катъий хужжатлаштириш мезонларининг йуклиги;

-ходимлар ва капитал эгалари билан корхона уртасидаги муносабатларда катъий шартларнинг йуклиги;

-кредит ташкилотлари билан мижоз уртасида буладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;

-су`урта ташкилотлари билан корхоналар уртасидаги муносабатларда катъий давлат конунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва х.к. сабабларни киритиш мумкин.

Биз юкорида белгилаган эдикки, корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб китобларда туловлар муддатининг ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб колишидир. Бунда дебиторлик кредиторлик мажбуриятларининг юзага чикишига хар кандай холда хам йул куйилади. Агарда махсулотлар ортиб жунатиш оркали сотиладиган булса бунда туловлар амалга ошиш санасига кадар, агарда товарлар пулини олдиндан тулаш асосида сотиладиган булса бунда хам товарларни жунатиш санасига кадар мажбурият, карз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар буйича ҳисобот, маълумотнома хар ойнинг 1-санасига тузилади ва тегишли ташкилотларга топширилади.

Дебиторлик ва кредиторлик карзлари корхона баланси, яъни хар чоракда тузиладиган корхона активлари, капитали ва мажбуриятлари холати туёрисидаги ҳисоботда хам акс эттирилади.

12.3. Дебиторлик ва кредиторлик ўарзлари балансини тузиш. Муддати узайтирилган ўарзларнинг вужудга келиш сабаблари

Бозор иктисоди^ати шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик карзларига баҳо беришда уларни балан ҳолатига келтириб урганиш ҳам мумкин булади. Дебиторлик ва кредиторлик карзлари баланси улар орасидаги узаро тенглик нисбатини характерлайди. Бунда дебиторлик мажбуриятларининг кредиторлик мажбуриятларидан ортиб кетиши ^ақи аксинча ҳолатлари ифодаланади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари каторига 2002 йил 27-декабрда тасдиқланган бухгалтерия балансига кура куйидаги каторлар киритилади:

Дебиторлар таркибига:

- харидорлар ва буюртмачиларнинг карзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси);
- ажратилган булинмаларнинг карзи (4110);
- шуъба ва қарам хужалик жамиятларининг карзи (4120);
- ходимларга берилган бунақлар (4200);
- мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бунақлар (4300);
- бюджетга солиқ ва йи^аимлар буйича бунақ туловлари (4400);
- мақсадли давлат жам^аармалари ва су^аурталар буйича бунақ туловлари (4500);
- таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар буйича карзи (4600);
- ходимларнинг бошқа операциялари буйича карзи (4700);
- бошқа дебиторлик карзлари (4800)

Кредиторлар таркибига:

- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга карз (6000);
- ажратилган булинмаларга карз (6110);
- шуъба ва қарам хужалик жамиятларига карз (6120);
- солиқ ва мажбурий туловлар буйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240);
- олинган бунақлар (6300);
- бюджетга туловлар буйича карз (6400);
- су^аурталар буйича карз (6510);
- мақсадли давлат жам^аармаларига туловлар буйича карз (6520);
- таъсисчиларга булган карзлар (6600);
- меҳнатга ҳақ тулаш буйича карз (6700);
- бошқа кредиторлик карзлари (6950 дан ташқари 6900).

60-жадвал

“АВС” акционерлик жамиятининг дебиторлик ва кредиторлик карзлари балансини таҳлили

Дебиторлик карзлари	Сумма, минг сум	Кредиторлик карзлари	Сумма, минг сум
1	2	3	4
харидорлар ва буюртмачиларнинг карзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	6926	мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга карз (6000)	90387

ходимларга берилган бунаклар (4200)	-	ажратилган булинмаларга карз (6110)	400
бюджетга солик ва йи`имлар буйича бунак туловлари (4400)	60609	шуъба ва карам хужалик жамиятларига карз (6120)	5007
ходимларнинг бошка операциялари буйича карзи (4700)	-	солик ва мажбурий туловлар буйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	6721
шуъба ва карам хужалик жамиятларининг карзи (4120)	1299	олинган бунаклар (6300)	-
таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар буйича карзи (4600)	-	су`урталар буйича карз (6510)	-
ажратилган булинмаларнинг карзи (4110)	-	максадли давлат жам`армаларига туловлар буйича карз (6520)	-
мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бунаклар (4300)	-	таъсисчиларга булган карзлар (6600)	-
максадли давлат жам`армалари ва су`урталар буйича бунак туловлари (4500)	-	мехнатга ҳақ тулаш буйича карз (6700)	-
бошка дебиторлик карзлари (4800)	67282	бошка кредиторлик карзлари (6950 дан ташкари 6900)	25039
Жами	136116	Жами	127554
Кредиторлик карзларининг дебиторлик карзларидан ортикчалиги	-	Дебиторлик карзларининг кредиторлик карзларидан ортикчалиги	8562
БАЛАНС	136116	БАЛАНС	136116

Юкоридаги жадвал маълумотлари асосида “АВС2 акционерлик жамиятининг дебиторлик ва кредиторлик карзлари балансини таҳлил кили чикишимиз мумкин булади. Маълумотлардан куринадики, урганила^атган даврда корхонада жами дебиторлик карзлари 136116 минг сум булган булса, жами кредиторлик карзлар эса 127554 минг сумни ташкил этган. Яъни, дебиторлик карзлари кредиторлик карзларидан 8562 минг сумга куп булган. Бу нисбатан ижобий хол булиб ҳисобланади. Дебиторлик карзларининг асосий қисми “бюджетга солик ва йи`имлар буйича бунак туловлари” 60609 минг сумни ва “бошка дебиторлик карзлари” 67282 минг сумни ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики корхонада тулов интизоми анча яхши йулга куйилган булиб, айниқса, давлат бюджети олдида карздор булиб қолмаслик учун солик ва йи`имлар буйича бунак туловларини уз вақтида утказиб боришга эришган.

Кредиторлик карзлари таркибига ҳам эътибор берадиган булсак, мажбуриятларнинг асосий салмо`ини “мол етказиб берувчи ва пудратчиларга карзлар” ташкил этмоқда. Бу эса акционерлик жамияти узнинг мол етказиб берувчилари олдидаги мажбуриятларини етарли даражада амалга оширма^атганлигидан далолатдир. Демак, корхона ушбу мажбуриятларни

кискартириш чораларини куриш лозим булади. Бошка кредиторлик карзлари эса 25039 минг сумни ташкил килмокда.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тенглиги 136116 минг сумни ташкил этган Шундан соф дебиторлик мажбуриятлари суммаси 8562 минг сумни ташкил этган.

Умуман олганда жами дебиторлик карзларининг кредиторлик карзларидан ортикча эканлиги корхона учун бирмунча ижобий деб бахоланади. Чунки, олиши лозим булган карзи берадиган карзидан купдир.

Тахлилда муддати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишига алохида ахамият берилади. Негаки, муддати утказиб юборилган мажбуриятлар корхонанинг молиявий ахволини мушкуллашиши ва молиявий баркарорлигининг бузилишига олиб келади. Ёз навбатида корхонанинг тулов ла^акати бузилади.

Муддати утказиб юборилган мажбуриятларнинг юзага чикиш сабаблари сифатида куйидагиларни келтириб утиш мумкин:

- ✓ Корхонада молиявий ҳолатнинг носо^ллом эканлиги;
- ✓ Корхонанинг тулов ла^акатига эга эмаслиги;
- ✓ Ликвид мабла^лари айланувчанлигининг узоклиги;
- ✓ Шартнома мажбуриятларига ва тулов шартларига амал этмаслик;
- ✓ Хужалик шартномалари бузилишидан куриладиган зарарларнинг ту^рри копланмаслиги (шартномалар бузилишида кулланиладиган чораларга амал этмаслиги);
- ✓ Замонавий ҳисоб-китоб шаклларига йул берилмаганлиги ва хакозолар.

Дебиторлик-кредиторлик мажбуриятларининг ундириб олиш муддати 3 ой килиб ёки 90 календар кун килиб белгиланган. Ушбу муддатдан сунг дебиторлик кредиторлик мажбуриятлари назоратга олинадиди ҳамда уларнинг ҳолати буйича давлат конунчилигига мувофиқ жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш муддати сифатида ҳуқуқий шахслар уртасида ҳам, корхона билан жисмоний шахслар уртасида ҳам 3 йил муддат клиб белгиланган. Ушбу муддатда туланмаган ^аки ундириб олинмаган мажбуриятлар, карзлар корхона фойда ва зарарларига олиб борилади. Муддати утган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари давлат тамонидан назорат катори сифатида олинган. Муддати утказиб юборилган кредиторлик мажбуриятлари корхона фойдасига кушилади ва умумий асосда фойдадан солиқ ставкаси буйича солиққа тортилади. Муддати утган дебиторлик мажбуриятларини зарарга олиб бориш солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтирмайди.

Муддати утган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар каторига олиб бориш шартлари давлат ҳисоб, солиқ конунчилигига мувофиқ катъий тартибланган. Яъни, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар каторига олиб боришга қадар уларни тулаш ёки ундириб олиш юзасидан қандай ёзишмалар ёки мурожаатлар булган, орбитраж қарори чиқарилган ёки чиқарилмаганлиги ва х.к. буйича

дастлабки хужжатлар туплами тайёрланмоғи лозим. Фақат шундагина уни фойда ва зарарлар каторига олиб бориш мумкин. Акс холда, зарурийлик шариҳида кечиктирилган мажбуриятлар сифатида олиниб маъсуллар жавобгарликка тортилади.

12.4. Дебиторлик карзларининг умумий хажми, таркиби ва вужудга келиш муддати буйича тахлили. Дебиторлик карзларининг айланувчанлигини тахлили

Эркин иктисодий муносабатлар шароитида хар бир хужалик субъекти уз фаолиятини олиб бориш жараҳида албатта маълум даражадаги дебиторлик ва кредиторлик карздорликка йул куяди. Чунки, ишлаб чикариш корхоналарида махсулотни етказиб бериш билан унинг тулови уртасида доимо маълум бир фаркланишлар булиши табиийдир. Шу сабабли хам, дебиторлик карзларининг таркибий тузилишини ва уларнинг вужудга келиш муддатларини урганиб, тахлил килиб чикиш мухим хисобланади.

Дебиторлик мажбуриятлари таркиби деганда унинг юзага чикиш каторлари ёки урни тушинилади. Корхона баланси буйича унинг куйидаги каторларини таркиблаб утганмиз. Харидор ва буюртмачиларга булган дебиторлик мажбуриятлари, ходимлар билан хисоб-китоблар буйича дебиторлик мажбуриятлар, иш хакидан ажратмалар юзасидан дебиторлик мажбуриятлари, соликлар ва турли бошка туловлар буйича дебиторлик мажбуриятлари ва х.к.

Шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркибида муддати утган, тулов муддати келган ва тулов муддати утмаган мажбуриятларни ахлоҳида таркиблаш мумкин.

Муддати утган ва тулаш муддати келган мажбуриятлар алоҳида-алоҳида хисобга олинади ва бошкарилади. Муддати утган дебиторлик мажбуриятлар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари туёрасидаги маълумотномада алоҳида каторланади. Уларнинг Республика ичкарасидаги корхоналар ва республикадан ташкаридаги корхоналар уртасида муддати утган мажбуриятларга ажратиш мумкин. Муддати утказиб юборилган мажбуриятлар корхона молиявий холатини оғирлаштирувчи асосий сабаб фактори сифатида олинади ва мухим эътибор берилади.

Тахлил этишда дебиторлик мажбуриятларининг хажми, таркиби хамда вужудга келиш муддати буйича урганиш асосида уларнинг холатига, айланувчанлик даражасига, дебиторлик карзлари билан боғлиқ булган молиявий холат курсаткичларига бахо берилади.

61-жадвал

“АВС” акционерлик жамиятида дебиторлик мажбуриятларининг холатини тахлили

(1-январ 2004 йил холатига)

Дебиторлик мажбуриятлари моддалари	Давр охирига жами	Шу жумладан юзага чикиш муддатлари буйича				
		1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	2 ойдан 3 ойгача	3 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортик
1	2	3	4	5	6	7
1. харидорлар ва буюртмачиларнинг карзи	6926	4582	1432	510	402	-
2. ходимларга берилган бунаклар	-	-	-	-	-	-
3. бюджетга солиқ ва йи`имлар буйича бунак туловлари	60609	41238	14587	3763	1021	-
4. ходимларнинг бошка операциялари буйича карзи	-	-	-	-	-	-
5. шуъба ва карам хужалик жамиятларининг карзи	1299	298	468	367	166	-
6. таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар буйича карзи	-	-	-	-	-	-
7. ажратилган булинмалар-нинг карзи	-	-	-	-	-	-
8. мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бунаклар	-	-	-	-	-	-
9. мақсадли давлат жам`армалари ва су`урталар буйича бунак туловлари	-	-	-	-	-	-
10. бошка дебиторлик карзлари	67282	45983	12450	6100	1491	1258
Жами	136116	92101	28937	10740	3080	1258

Мазкур жадвал маълумотлари асосида «АВС» акционерлик жамиятининг дебиторлик карзларини таркиби, тузилиши ва вужудга келиш муддатларига баҳо берилди. Маълумотлардан куринадики, корхонадаги жами дебиторлик карзлари 136116 минг сум булган булса, шундан, асосий қисми яъни 92101 минг сумлиги ^ақи 67,67 %и бир ойгача булган дебиторлик карзларидир. Бир ойдан икки ойгача булган дебиторлик карзлари 28937 минг сумни ^ақи 21,25 %ини ташкил қилмоқда. Икки ойдан уч ойгача булган дебиторлик карзлари 10740 минг сумни ^ақи 7,89 %ни ташкил қилган. Яъни 90 кунгача булган дебиторлик карзлари жами дебиторлик карзларининг 96,81 % ини ташкил қилмоқда. Ҳолган 3,19 % дебиторлик карзларининг муддати утган булиб ҳисобланмоқда. Демак, корхона маъмурияти мавжуд дебиторлик карзларини ундириш чораларини ҳамда муддати утган карзларни бартараф этиш йулларини излаб топиши лозим булади. Акс ҳолда корхонанинг тулов қобилиятига бу салбий таъсирини курсатади.

Дебиторлик мажбуриятлари ёки карзлари таҳлилида уларнинг айланувчанлигига алоҳида эътибор берилди. Негаки, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражаси корхона молиявий аҳолига баҳо беришнинг муҳим курсаткичларидан бири ҳисобланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги деганда карз мажбуриятларининг ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффициентини тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги сотишдан олинган тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига булиш асосида аникланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини тахлил этиш даврининг календар кунига купайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига булиш асосида дебиторлик карзларининг айланишлар кунини аникланади.

62-жадвал

“ABC” акционерлик жамиятида дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлигини тахлили

Курсаткичлар	Ўтган йили	хисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Жами дебиторлик мажбуриятлари, минг сум	53266	136116	+82850
2. Махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сум	1452513	3040381	+1587868
3. Жорий активлар, минг сум	531756	689066	+157310
4. Муддати утган дебиторлик карзлари, минг сум	3257	4338	+1081
5. Дебиторлик карзларининг айланиш коэффициенти (2/1)	27,269	22,337	-4,932
6. Дебиторлик карзларининг айланиш даври, кун хисобида (1*360/2)	13	16	+3
7. Жорий активлари таркибида дебиторлик карзлари улуши, % (1/3*100)	10,02	19,75	9,73
8. Муддати утган дебиторлик карзлари улуши, % (4/1*100)	6,11	3,19	-2,92

Маълумотлардан куринадики, урганила^атган даврда биз тахлил кила^атган “ABC” акционерлик жамиятида дебиторлик мажбуриятларининг ҳолати утган йилнинг шу даврига нисбатан 82850 минг сумга ошган, яъни дебиторлик мажбуриятлари утган йилга нисбатан деярли 2,5 маротабага купайган. Айти вақтда махсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳам утган йилнинг шу даврига нисбатан 1587868 минг сумга усганлигини кузатиш мумкин. Бунинг таъсирида дебиторлик мажбуриятларининг ундирилиш даври утган йилга нисбатан 3 кунга узайган. Яъни дебиторлик

мажбуриятларининг ундириб олиниши бирмунча секинлашган. Дебиторлик карзларининг айланишини секинлашувига асосан карзларнинг соф тушумга нисбатан усиши юкори булганлиги хисобига булган. Яъни, корхонада жорий йилда дебиторлик карзларининг айланиш коэффициентини утган йилга нисбатан 4,932 коэффициентга кискарганлигини хам куриш мумкин. Жорий даврда дебиторлик мажбуриятларининг жами жорий активлари таркибидаги салмоғи утган йилнинг шу даврига нисбатан 9,73 % га ортиши аввало дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ортиши хисобига руй берган. Бундай натижалар корхона учун нисбатан салбий деб бахоланади хамда корхонанинг молиявий ҳолатини яқинлашувига олиб келиши мумкин. Шундай булсада, жорий даврда корхонанинг муддати утган дебиторлик карзларининг жами дебиторлик карзлари таркибидаги салмоғи утган йилнинг шу давридаги 16,11 % дан жорий даврнинг охиригача хисобот санасига 3,19 % га пасайганлигини ижобий баҳоламоқ лозим булади.

Юкоридаги боғланишлардан бевосита дебиторлик мажбуриятларининг айланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини хам аниқлашимиз мумкин.

63-жадвал

Дебиторлик карзларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даври узгаришини омилли тахлили

Курсаткичлар	Дебиторлик карзларининг айланиш коэффициенти	Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш даври, кун хисобида
1	2	3
1. Ҳтган йил	27,269	13
2. Шартли хисобот йили	57,079	6
3. хисобот йили	22,337	16
Жами фарк	-4,932	+3
Таъсир этувчи омиллар:	xxx	xxx
а) Сотишдан олинган соф тушум суммасининг узгариши (2-1)	+29,810	-7
б) Дебиторлик карзлари суммасининг узгариши (3-2)	-34,742	+10

Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даврига омиллар таъсири куйидагича булган. Дебиторлик карзларининг айланиш коэффициенти утган йилга нисбатан 4,932 коэффициентга кискарган. Бу узгаришда махсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг узгариши таъсирида дебиторлик карзларининг айланиш коэффициенти +29,810 коэффициентга, дебиторлик карзлари хажмининг узгариши хисобига эса айланиш коэффициенти -34,742 коэффициентга камайган. ҳар иккала омил таъсирида айланиш коэффициенти -4,932 коэффициентга узгарган. Ушбу омиллар таъсири дебиторлик карзларининг айланиш даври курсаткичи буйича куйидагича

булган. Яъни, сотишдан олинган соф тушум суммаси хисобига узгариш –7 кунга, дебиторлик мажбуриятлари суммасининг усиши хисобига +10 кунга узгариш кузатилган.

$$\text{Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш коэффиценти} = \frac{\text{Сотишдан олинган соф тушум хакикатда Дебиторлик мажбуриятлари утган йил шу даври буйича}}{\text{Дебиторлик мажбуриятлари утган йил шу даври буйича}}$$

$$\text{Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш даври} = \frac{\text{Дебиторлик мажбуриятлари утган йил шу даври буйича} * 360}{\text{Сотишдан олинган соф тушум хакикатда}}$$

12.5. Кредиторлик карзларининг умумий хажми, таркиби ва ташкил топиш муддати буйича тахлили. Кредиторлик ўарзларининг айланувчанлигини тахлили

Кредиторлик мажбуриятлари карши томонга корхонанинг тулайдиган мажбуриятларини характерлайди. Биз юкорида унинг таркибига нималар киришини ва уларнинг юзага келиш сабабларини таркиблаб утган эдик. Кредиторлик мажбуриятларининг юзага чикишининг асосий сабаби сифатида бевосита дебиторлик мажбуриятларининг вактида келиб тушмаслигини хам таркиблаш мумкин.

Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби тахлилида карздор булган томонлар буйича мажбуриятларнинг каторланиши, уларни тулаш муддатлари буйича таркибланишига бахо берилади. Шунингдек, дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даврини аниклашдаги каби бунда хам кредиторлик мажбуриятларининг айланиши коэффиценти ва даври аникланади. Лекин, бунда катнашувчи курсаткичлар фаркланади. Кредиторлик мажбуриятлари айланишини урганишда ассосий курсаткичлар сифатида насияга олинган ёки хали пули туланмаган моллар, ашёлар, иш ва хизматлар суммасига хамда кредиторлик мажбуриятларининг хакикий курсаткичларига мурожат килинади.

Кредиторлик мажбуриятларини тахлил этишда уларнинг юзага келиш урни, муддати ва таркибига алохида ахамият каратилмо`и лозим. Муддати утган кредиторлик карзларга йул куйилиши корхонага нисбатан турли иктисодий огохлантиришларнинг кулланилишига, иктисодий жарималарга хамда корхонага булган ишончнинг пасайишига олиб келади.

Кредиторлик мажбуриятларининг тулаш муддатлари буйича куйидаги таркибини бериб утиш мумкин:

-Тулаш муддати келган мажбуриятлар;

-Тулаш муддати утиб кетган мажбуриятлари.

Йил календар даврининг таксими буйича кредиторлик мажбуриятларининг куйидаги шаклларини бериш мумкин:

- 1 ойгача булган мажбуриятлар;
- 1 ойдан 2 ойгача булган мажбуриятлар;
- 2 ойдан 3 ойгача булган мажбуриятлар;
- 3 ойдан 6 ойгача булган мажбуриятлар;
- 6 ойдан 1 йилгача булган мажбуриятлар;
- 1 йилдан ортик муддатга булган мажбуриятлар.

64-жадвал

“ABC” акционерлик жамиятида кредиторлик мажбуриятларининг таркиби ва ташкил топиш муддати буйича тахлили

Кредиторлик мажбуриятлари моддалари	Давр охирига жами	Шу жумладан юзага чиқиш муддатлари буйича				
		1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	2 ойдан 3 ойгача	3 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортик
1	2	3	4	5	6	7
1. мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	90387	51423	12196	15713	10023	1032
2. ажратилган булинмаларга қарз	400	312	56	32	-	-
3. шуъба ва қарам хужалик жамиятларига қарз	5007	4019	872	101	15	-
4. солиқ ва мажбурий туловлар буйича кечиктирилган мажбуриятлар	6721	4198	2103	420	-	-
5. олинган бунақлар	-	-	-	-	-	-
6. суурталар буйича қарз	-	-	-	-	-	-
7. мақсадли давлат жамғармаларига туловлар буйича қарз	-	-	-	-	-	-
8. таъсисчиларга булган қарзлар	-	-	-	-	-	-
9. меҳнатга ҳақ тулаш буйича қарз						
10. бошқа кредиторлик қарзлари	25039	18728	1289	3217	1805	-
Жами	127554	78680	16516	19483	11843	1032

Корхонада жами кредиторлик қарзларининг ҳисобот даври охирига булган ҳолати 31001 минг сумни ташкил қилган. Шундан 1 ойгача булаган кредиторлик қарзлари 19520.8 минг сумни, 1 ойдан 2 ойгача булган кредиторлик қарзлари суммаси 7258.1 минг сумни, 3 ойдан 6 ойгача булган

кредиторлик карзлари суммаси 2700 минг сумни ташкил қилган. Муддати утказиб юборилган лекин ундирилмаган кредиторлик карзлари суммаси 540 минг сумни ташкил қилган.

Кредиторлик карзларининг ҳолатига уларнинг айланиш даражаларини урганиш асосида тулик баҳо бериш мумкин. Кредиторлик карзлари айланувчанлиги бўйича қуйидаги бўлинишлар жадвалини келтириб ўтиш мумкин.

**«ABC» акционерлик жамиятида кредиторлик мажбуриятларининг
айланишини тахлили**

Курсаткичлар	Ўтган йили	хисобот йили	Фарқи (+, -)
1	2	3	4
1. Жами кредиторлик мажбуриятлари, минг сум	249458	127554	-121904
2. Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сум	929608	2168322	+1238714
3. Жами мажбуриятлар, минг сум	258047	163147	-94900
4. Кредиторлик қарзларининг муддати утгани, минг сум	19856	12875	-6981
5. Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти, (2/1)	3,726	16,999	+13,273
6. Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кун хисобида (1*360/2)	97	21	-76
7. Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, % да (1/3*100)	96,67	78,18	-18,49
8. Муддати утган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи, % да (4/1*100)	7,96	10,09	+2,13

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида биз тахлил қилаётган «ABC» акционерлик жамиятида кредиторлик қарзларининг айланишига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан қурииб турибдики, корхонада кредиторлик қарзлари утган йилнинг шу даврига нисбатан 121904 минг сумга қисқарган. Бунга аксинча, сотилган махсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари эса жорий йилда 1238714 минг сумга усган. Буларнинг натижасида корхонада кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти утган йилги 3,726 коэффициентдан ҳисобот йилига келиб 16,999 коэффициентгача кутарилган. Яъни кредиторлик қарзларининг айланувчанлиги бир неча маротабага тезлашган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳоламок лозим. Бундан ташқари кредиторлик қарзларининг айланиш даври утган йилги 97 кундан ҳисобот йилига келиб 21 кунгача қисқарган.

Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзларининг салмоғи ҳам жорий йилда 18,49 % га қамайганлигини ижобий баҳоласак бўлади. Аммо, муддати утган кредиторлик қарзларининг салмоғи жорий йилда 2,13 % га ортганлигини салбий баҳоламок лозим бўлади. Чунки, бундай ҳолат корxonанинг иқтисодий жарималар тулашига олиб келади ва молиявий ҳолатига салбий таъсир этади. Кредиторлик қарзларининг айланишига бир қатор омиллар таъсир қурсатган бўлиб, ушбу таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвалда қуриб чиқишимиз мумкин бўлади.

Кредиторлик карзларининг айланишига таъсир этувчи омиллар тахлили

Курсаткичлар	Кредиторлик карзларининг айланиш коэффициенти	Кредиторлик карзларининг айланиш даври, кун хисобида
1	2	3
1. Ётган йили	3,726	97
2. Шартли хисобот йили	8,692	41
3. хисобот йили	16,999	21
Жами фарк	+13,273	-76
Таъсир этувчи омиллар:	xxx	xxx
а) Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархини узгариши (2-1)	+4,966	-56
